

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Қарши муҳандислик - иқтисодиёт институти

Магистратура бўлими

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 33.658 (75) 6.63

Олимова Баҳора Шухратовна

**“Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида оилавий
тадбиркорликни ривожлантириш йўналишлари”
(Қашқадарё вилояти мисолида)**

Мутахассислик: 5A230102 – Иқтисодиёт (ижтимоий-иқтисодий соҳа)

Магистр

**академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар:

_____ и.ф.н., доц. Ш.Ш.Файзиева
“ _____ ” _____ 2014 йил

Қарши – 2014

МУНДАРИЖА

	Кириш.....	8
I боб	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида оилавий тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг назарий ва методологик асослари.....	15
1.	Оилавий тадбиркорликнинг иқтисодиётда тутган ўрни, ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва уни тадқиқ этишнинг назарий асослари.....	15
2.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида оилавий тадбиркорликнинг вазифалари, даромадларининг ташкил топиши ва уни ривожлантиришнинг концентрал йўналишлари.....	26
	I боб бўйича хулоса.....	44
II боб	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришдаги мавжуд муаммолар ва улар ҳолатининг таҳлили.....	46
1.	Хизмат соҳаси билан шуғулланадиган оила хўжаликларида мулкӣ таъминланганлик ва тадбиркорлик даромадларининг шаклланиши.....	46
2.	Оилавий тадбиркорликда даромадларнинг фарқланиши ва уларга таъсир этувчи омиллар.....	56
3.	Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш имкониятлари.....	64
	II боб бўйича хулоса.....	72
III боб	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари.....	73
1.	Оилавий тадбиркорлик даромадларига таъсир этувчи асосий омиллар ва уларни аниқлаш йўллари.....	73
2.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида оилавий тадбиркорлик даромадларини кўпайтириш истиқболлари.....	80
3.	Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб - қувватлашни такомиллаштириш йўналишлари.....	87
	III боб бўйича хулоса.....	92
	Хулоса	94
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	98
	Иловалар.....	106

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланганлиги ва унинг долзарблиги. Мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг пировард натижаси оилалар фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Бу фаровонлика эришиш йўлларида бири оилада тадбиркорликни йўлга қўйиш билан боғлиқ. Чунки оилада тадбиркорликнинг ривожланиши, унинг оммавий тус олиши энг муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларни яъни, оилалар фаровонлигини таъминлаш ва иш билан бандлик масалаларини ҳал қилиш имкониятини яратади. Шу боис, ушбу соҳани тараққий эттириш республика ҳукуматининг доимо диққат эътиборида бўлиб келмоқда.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, бу бизнинг мамлакатимиз учун ҳаётий зарурата айланмоқда.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “....Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустақамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингтага етди.

Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи айти шу соҳада ишлаб чиқарилмоқда. Ваҳоланки, 2000-йилда бу кўрсаткич 31 фоиздан иборат эди.

Айти пайтда ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, маҳсулот экспортининг 18 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда.”[1].

Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида ушбу долзарб вазифани ҳал қилиш борасида салмоқли, ижобий натижаларга эришилди.

Аммо, ҳозирда ҳам оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳукукий ва иқтисодий шарт-шароитларини такомиллаштириш, уни пул маблағлари билан таъминлаш муаммолари ўз ечимини кутмоқда. Хусусан, оилаларнинг ўз маблағларининг етишмаслиги ва жалб қилинган маблағлардан тўғри фойдалана олмаслиги ҳолатлари оилавий тадбиркорликнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ана шу муаммоларни, оилалалар ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини ва молиявий таъминланганлик даражаларини ҳисобга олган ҳолда, улар фаолиятини янада яхшилаш учун илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо қилади. Тадқиқотнинг долзарблиги республикада хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш масаласи етарлича илмий тадқиқ этилмаганлиги ва бу борада бир қатор муаммолар мавжуд эканлиги билан белгиланади.

Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши. бўлиб, мамлакатимизда, хусусан Қашқадарё вилоятида хизмат соҳасида фаолият кўрсатаётган оилавий тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади. Тадқиқот предмети бўлиб, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида оила хўжаликларининг иқтисодий вазифасидан келиб чиққан ҳолда хизмат соҳасида фаолият кўсратувчи оилаларда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, уларнинг бозор тузилмасидаги ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Бозор муносабатлари шароитида хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликнинг иқтисодиётда тутган ўрни ва уни ривожлантиришнинг назарий, услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги асосий вазифаларни бажариш лозим:

- бозор муносабатлари шароитида оилавий тадбиркорликни, унинг ижтимоий-иқтисодий мазмунини тадқиқ этиш ва унинг бозор тизимидаги ўрнини илмий-амалий жиҳатдан асослаш;
- хизмат кўрсатиш соҳасида “Оила хўжалиги”, “уй хўжалиги”, “оилавий тадбиркорлик” тушунчаларининг ижтимоий-иқтисодий мазмунини янгича бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда баён қилиш;
- оила хўжалигини иқтисодий муносабатлар тизимида асосан истеъмол қилувчи ҳамда, ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўсратувчи субъект эканлигини ва унинг иқтисодиётда ва ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва аҳамиятини очиб бериш;
- бозор муносабатлари шароитида, мавжуд қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- оилаларда тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадларининг умумий даромадларда тутган ўрнини таҳлил қилиш ва уни кўпайтириш йўллари ишлаб чиқиш;
- давлат ва оила хўжалиги ўртасида солиқ муносабатларининг ҳолатини ўрганиш ва уни такомиллаштириш бўйича тегишли тавсиялар бериш;
- хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари ўрганилиб, улардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Оила хўжалиги иқтисодиёти, унда амалга ошириладиган тадбиркорлик муаммоси узоқ йилардан буён иқтисодий назария фанининг предмети бўлиб келган. Оила хўжалиги муаммоси иқтисодчи олимлардан Смид А., Сей Ж.Б., Кейнс Дж.М., Шумпетер Й., Энгельс Ф., Чаянов А.В асарларидан ҳам ўз ифодасини топган [2]. бу йўналиш тарфдорлари нокапиталистик деҳқон (крестьян) хўжаликларини бир бутунликда қараб, унинг ички тарикбини, ишлаб чиқариш шароитини, оиланинг ишчи кучи билан таъминланганлик

даражасини ва ажмият билан иқтисодий алоқадорлигини ўрганиб чиқганлар.

Ўтиш даврида оила хўжалиги иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг айрим назарий ва амалий жиҳатлари МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимларидан Узун В., Бабаева Л., Багдановский В., Бархатова Н.М., Барышников М., Волков А., Жеребин В., Зверева Н.В., Капелюшников Р., Разумнова И.И ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида таҳлил қилинган [3].

Ўзбекистонда эса, Ўлмасов А., Ғуломов С.С., Ҳусанов Р.Х., Пардаев М.К., Вахобов А., Мамадалиев Т., Шодиева Г.М. кабиларнинг илмий ишларида оилавий тадбиркорликнинг шаклланиши ва ривожланиши, оилавий хўжалик юритиш шакллари самарадорлиги ва оила хўжалиги мулки ва даромадини ошириш йўллариининг айрим жиҳатлари ёритилган. Жумладан, Т. Мамадалиев “Оилавий хўжаликларни шаклланиши ва уларни ривожлантириш”¹ мавзусидаги илмий ишида оилавий хўжалик юритиш шакллариининг объектив зарурати, моҳияти ва хусусиятларини очиб берган. Бу хўжаликлар фаолиятининг самарадорлик мезони ва кўрсаткичлари маълум бир тизимга солинган ҳолда ёритилган. Оилавий хўжаликлар фаолияти самарадорлигини оширишга ишлаб чиқариш ва социал инфратузилмани, уларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ташкил этишнинг зарурати, бу борадаги мавжуд муаммолар ўрганилиб, уларни бартараф этиш бўйича муаллиф томонидан ривожланган мамлакатлар тажрибаси ўрганилган ҳолда ва республика хусусиятидан келиб чиқиб, ишлаб чиқилган.

Г.Шодиеванинг “Оила хўжалиги мулки ва даромадини кўпайтириш йўллари” мавзусидаги номзодлик диссертациясида бозор муносабатлари шароитида оила хўжалиги микроиқтисодиётнинг таркибий қисми эканлиги назарий жиҳатдан асосланган. Бундан ташқари, оила хўжалиги ва қишлоқ хўжалигидаги оилавий асосда хўжалик юритиш шакллариини фақат

истеъмол қилувчи субъект эмас, балки бозор муносабатларининг фаол иштирокчисига айланаётганлигини илмий жиҳатдан асослаган. Аммо Ўзбекистонда иқтисодиётни эрикнлаштириш шароитида хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни шаклантириш ва ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, уни тараққий эттириш концепциялари, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш йўллари ва услублари етарли даражада тадқиқ этилмаган.

Бажарилган илмий тадқиқот иши республикамиз оилаларининг миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини институционал тарзда ўзаро боғлиқликда ўрганишга қаратилган амалий таклифлар ишлаб чиқилганлиги билан ажралиб туради.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. Тадқиқотнинг назарий ва услубий асосларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг тадбирқороик фаолиятини ривожлантириш, уни давлат томонидан қўллаб-қўвватлаш ва рағбатлантиришга оид қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг иқтисодиётни эрикнлаштириш ва иқтисодий ислохотларни чқурлаштириш муаммоларига бағишланган асарлари, фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, мамлакатимиз ва хорижлик иқтисодчи олимларнинг ушбу муаммога бағишланган илмий ишлари, монографик тадқиқотлар, таққослаш, илмий абстракция, мантиқий ёндашув ва даврий нашр ишлари ташкил этилди.

Диссертация ишини ёзиш давоимда статистика ва иқтисодий таҳлил, микроиқтисодий ва математик моделлар, ЭҲМ тилида дастурлаш ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилди. Шунингдек, ишда Ўзбекистон республикаси Давлат статистика қўмитаси, Қашқадарё вилояти иқтисодиёт бошқрамаси, Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси ҳисоботларидан, муаллифнинг шахсий монографик кузатувчи ва тадбиркорликни қўллаб қувватловчи ташкилот ва муассасаларнинг маълумотларидан

фойдаланилди. БМТ ва Халқаро меҳнат ташкилотининг меъёрий хужжатлари ҳам диссертация ишида ахборот базаси сифатида хизмат қилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муаммоларини ҳал қилишнинг назарий концепциясини ишлаб чиқиш учун асос бўлиши мумкинлигидадир. Диссертациянинг амалий аҳамияти шундан иборатки, унда ишлаб чиқилган таклифлар ва тавсияларнинг олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида “Иқтисодий назария”, “Тадбиркорлик фаолияти асослари”, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқариш”, “Оила хўжалиги иқтисодиёти” каби фанларни ўқитишда республикада хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган меъёрий хужжатларни такомиллаштиришда қўлланилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Бозор муносабатлари шароитида Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, хизмат соҳасида оилавий тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантириш муаммоларини ҳал қилиш бўйича назарий ва амалий тавсияларни ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади. Булар қуйидагиларда ўз ифодасини топган:

- илмий адабиётларда берилаётган “оила хўжалиги” ва “уй хўжалиги”, “оилавий тадбиркорлик ” тушунчаларини хизмат соҳасига мос равишда янги такомиллашган таърифлари ишлаб чиқилди;

- бозор муносабатлари шароитида хизмат соҳаси билан шуғулланадиган оила хўжалигининг бозор тизимидаги ўрни асослаб берилди;

- амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар стратегиясидан келиб чиқиб, хизмат соҳаси билан шуғулланадиган оила хўжаликларининг иқтисодий вазифаларига бир қанча аниқликлар киритилди;

- иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бирданига бир қанча омиллари инобатга оладиган регрессия тенгламаларини қўллаш орқали хизмат соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан банд бўлган оилалар даромадини таҳлил этишнинг такомиллашган усуллари ишлаб чиқилди;

- ўрганилган оилалар даромадининг ўсиши нозикли қонунга бўйсунгани асослари ва унинг лоренц эгри қисқининг реал шароитдан узоқлиги кўрсатилиб, республикада аҳоли даромадларининг динамик каторлари асосида оилада умумий даромадлар таркибида тадбиркорлик даромадининг улушини прогнозлаштириш ва таҳлил қилиш йўллари коореляция-регрессия усуллари қўллаган ҳолда ишлаб чиқилди;

- қишлоқ жойларда оилавий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган субъектлар фаолиятларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан амалий таклифлар ва тавсиялар берилди;

- хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда миллий хусусиятларимиз ва анъаналаримиздан келиб чиққан ҳолда фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Ушбу магистрлик диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан, жами ____ бетдан иборат бўлиб, диссертацияда ____ та жадвал, ____та диаграмма, ____ та график ва ____ та чизма келтирилган.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, унинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, илмий янгилиги ҳамда олинган натижаларнинг амалий аҳамияти ўз ифодасини топган.

I боб. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1. Оилавий тадбиркорликнинг иқтисодиётда тутган ўрни, ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва уни тадқиқ этишининг назарий асослари

Оилавий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий мазмунини очиш, моҳиятини тўлиқ тушуниш учун оила, уй хўжалиги, оила хўжалиги каби тушунчаларнинг мазмунини тадқиқ қилишни тақазо қилади.

Оила-жамиятнинг, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг бошланғич бўғини ва иқтисодий муносабатларнинг асосий субъекти сифатида, бозор муносабатлари шароитида ўзининг янгича талқини ва таърифини талаб этмоқда. Иқтисодий адабиётларда “уй хўжалиги”га нисбатан турлича қарашлар шаклланиб келган. Дастлабки уй хўжаликлари тараққиёти давомида А.Смит ва унинг издошларидан бири бўлган Ж.Б.Сей мулоҳазалари диққатга сазовордир. А.Смит омилларнинг сифат жиҳатларига, уларнинг ишлатилишига аҳамият беради, пировард натижада уй хўжаликларининг даромади ва истъеъмол имкониятларини шакллантиради. Ж.Б.Сей мулоҳазаларида бойликни тақсимлаш назарияси муомала ва ишлаб чиқариш назарияси билан чамбарчас боғлиқдир. Моддий бойликлар алоҳида субъектлар орасида эмас, балки алоҳида синфлар ўртасида айланади. Бошқа томондан эса, унда капиталистни тақдирлаш тадбиркорни тақдирлашдан ажартиб кўрсатилган. Ф.Энгельс, “Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши” номли асарида ўз давридаги этнографик адабиётлардан фойдаланиб, оила ва аёлларнинг аҳволи, тарихий ўзгаришларини бошидан кечиргани, бу ўзгаришлар ўз навбатида ишлаб чиқариш усулининг ривожини, айниқса, мулкчилик шакллари билан белгиланганлигини кўрсатишга ҳаракат қилади. У оила ривожини ибтидоий жамоадан то XIX асрнинг охиригача

иқтисоднинг ривожланиши асносида баён қилади. Энгельснинг мақсади тарихий тараққиёт “патриархал оила”га “аёл жинсининг оламшумул-тарихий мағлубиятига”, яъни аёлларни камситиш ва эксплуатация қилишни кучайтиришга олиб келишини исботлаш эди. Унинг давридаги ўрта синфга мансуб бўлган моногам оилада эр ишлаб пул топар эди, хотин эса уй ишлари билан банж эди ёки бўлмаса оиланинг ижтимоий мавқеига боғлиқ равишда уйда ўтирарди. Шу муносабат билан Энгельс таъкидлайдики, аёллар эркакларга иқтисодий жихатдан қарам бўлиб қолишди ва демак, уларнинг ихтиёри ўзида бўлмаган одамларга айланди.

Ноклассик йўналиш доирасида 1992 йил Нобел мкофоти лауреати Г.Беккернинг ишлари катта қизиқиш уйғотади. Унинг асарларида оилада меҳнат тақсимоти оила хўжалигининг ишлаб чиқариш вазифалари, оила дармоадларининг тақсимланишини гендер нуқтаи назаридан тадқиқи этишда муҳим аҳамият касб этади. Оила бозордаги товар ва хизматларни фақат истеъмол қилувчи эмас, балки ишлаб чикраувчи сифатида намоён этадиган “Янги уй хўжалиги назарияси” (Г.Беккер, Дж. Минсер, К.Ланкастер) 60- йилларнинг ўрталарида пайдо бўлди.

Дж.М.Кейнс, ўз тадқиқотларида ресурсларни аоссий етказиб берувчи ва харажат қилувчи гуруҳ сифатида уй хўжаликларининг иқтисодиётдаги иккиламчи ролини ўрганишни мўлжаллайди. Уй хўжаликларининг даромадлари, истеъмол ва жамғариш хулқи, уларнинг давлат билан ўзаро алоқадорлиги, хўжалик юритишнинг ўзгарувчан шароитга мослашишини кўриб чиқади.

Шундай қилиб, ғарб иқтисодий таълимотида уй хўжаликларини тадқиқ этиш кўп йиллар олдин бошланганлигини қайд этиш мумкин. Тадқиқот объектларнинг мураккаблиги ва хилма-хиллиги, нафақат иқтисодий, балки социологик ёндашишларни қўллаш зарурлиги туфайли, ушбу муаммони турли методолгик ёндашувлар асосида тадқиқ этиш босқичи давом этмоқда.

Фикримизча, бугунги кунда “оилавий тадбиркорлик” тушунчасига назарий қарашларни шакллантириш учун албатта “уй хўжалиги” ва “оила хўжалиги тушунчаларининг таърифларини қараб чиқмоқ лозимдир. Чунки, “оила хўжалиги”, “уй хўжалиги” ва “оилавий тадбиркорлик” тушунчалари (категориялари) тўғрисидаги дунёқараш ғарб иқтисодий қарашлари таъсири остида ва бошқа томондан иқтисодиётнинг таркибий ўзгариши ва тарихий тажарибалардан келиб чиққан ҳолда, китсиодий мунсوباتларнинг аоссий субъекти сифатида шаклланмоқда. Ушбу тушунчалар бир-биридан фарқланиши билан, уларнинг ҳар учаласи ҳам оилалар фаолиятини таҳлил қилиш билан боғлиқ жараён ҳисобланади.

Оила тўғрисида А.Ўлмасовнинг “Оила иқтисоди” номли рисоласида “Оила—кишиларнинг қон-қариндошлик, мулк ва манфаат умумийлиги ва талаб эҳтиёжларини биргаликда қондиришга асосланган, мақсади ягона бўлган мажмуа, яъни микроижтимоий тузилмадир, деб таърифланади. Оила тўғрисида бошқа фикрлар ҳам бор. Масалан, “иқтисодий назария” бўйича мажмуа, яъни микроижтимоий тузилмадир”, деб таърифланади. Оила тўғрисида бошқа фикрлар ҳам бор. Масалан, “Иқтисодий назария” бўйича олий ўқув юртларига мўлжалланган дарсликда “Оила-шахс, оила ва бутун жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий эҳтиёжини қондиришга қаратилган фаолиятини амалга ошириш учун бир-бири билан қариндош уруғчилик алоқалари аоссида ташкил топган кишиларнинг кичик гуруҳи” дейилган. Иқтисодий жиҳатдан қараганда оила хўжалиги ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг бошланғич бўғини ва иқтисодий муносабатларнинг асосий субъекти ҳисобланади. Ушбу таърифларда, оиланинг таркиби ва алоқадорлик белгилари ўз ифодасини топган бўлиб, оилага асосан истеъмол этувчи субъект сифатида қаралади. Бироқ, бизга маълумки, ҳозирги даврда оила фақат истеъмол қилувчи субъект эмас, балки мустақил хўжалик юритувчи, ҳамда иқтисодиётнинг ажралмас субъектига айланиб бормоқда. Шу жиҳатларини

ҳисобга олсак, ушбу таърифда оиланинг ижтимоий-иқтисодий функциси тўла ёритилмаган.

Умумий ҳолда оилага, никоҳга асосланган ёки кишиларнинг қон-қариндошлик асосида бирикми ва умумий тарққчилик юритишда бир-бирига маъсулиятли кишилар гуруҳи, деб тушуниш мумкин. Бирок, статистик маълумотларни олиш учун бу умумий тушунчага аниқлик киритиш керак бўлади. Бу ҳолда, айрим белгиларни ўрсатиб ўтиш лозим.

Бир оилани бошқасидан фарқлаш ва индивидни унинг тарққига қўйиш ёи қўшмаслик имкониятини берувчи айрим белгиларни киритамиз. Одатда бундай белгиларга қариндошлик ёи шу характердаги кишилар, ҳамда биргаликда яшовчи ёки биргаликда хўжалик юритувчи (ёки биргаликда овқатланувчи) кишиларнинг алоқадорлик белгилари хизмат қилади. Аҳолини рўйхатга олишда, қариндошлик ёки қуда-андачилик, бирга яшовчи ва умумий оила бюджетига эга бўлиши каби белгиларига қааб аниқланади. Фиримизча, оила тушунчасини бундай талқин этиш уй хўжалиги тушунчасига яқинлаштиради, аниқроқ айтганда, умумий бюджет ва бирикми асосида воситаларни сарф (харажат) этиш каби белгиларининг борлиги муҳим белги ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, оила, назарий жиҳатдан ўзига алоқадор ҳисобланувчи брача кишиларни уларнинг ҳошиши асоан ўзида бириктириши мумкин.

Бозор муносабатлари шароитида, оилага иқисодий субъект сифатида қараш мақсадга мувофиқ. Агар шунга асосланадиган бўлса унга “Оила хўжалиги” ёки “уй хўжалиги” сифатида қараш лозим бўлади.

Республикамизнинг баъзи иқтисодчи олимлари “уй хўжалиги” ва “оила хўжалиги” тушунчаларини ўзига хос тарзда изоҳлайдирлар. Сўнгги йилларда бу борада М.К. Пардаев, Ш.Шодмонов, Р.Алимов, Т.Жўраев, Д.Каримова, Г.М.Шодиева ва А.Ваҳобовларнинг адабиётларида аниқ фикрлар айтилган. Уларни умумлаштирган ҳолда ўзимизнинг қарашларимизни келтирамиз.

Ш.Шодмонов, Р.Алимов, Т.Жўраевларнинг таъкидлашича, уй хўжаликлари-иқтисодиётнинг истеъмолчилик соҳасида фаолият кўрсатувчи асосий таркибий бирлик. Уй хўжаликлари доирасида моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида яратилган товар ва хизматлар истеъмол қилинади. Бозор иқтисодиётида уй хўжаликлари мулкдор ва ишлаб чиқариш моилларини етказиб берувчилар ҳисобланади. Иқтисодий ресурсларни сотишдан олинган пул даромадлари шахсий эҳтиёжни қондириш учун сарфланади. Д.Каримованинг фикрича, уй хўжалиги деганда, даромадлари ва мулкни тўлиқ ёки қисман бир жойга тўплайдиган маълум маҳсулот ва хизматчи асосан яшаш учун уй хизмати ва озиқ-овқат маҳсулотларини бирга истеъмол қиладиган бир хонадонда яшовчи кишилар гуруҳи тушунилади.

А.Вахобов, Р.Саидовлар фикрича, “иқтисодиётнинг ўз таркибида кўпчиликни бирлаштирувчи ҳамда истеъмолчилари, шунингдек, даромадлари ва харажатлари умумий бўлган ва биргаликда истиқомат қилувчи кишилар гуруҳини ташкил этувчи хонадонлари асосан оилага таянади, бироқ оиласиз хонадонлар ҳам бўлади, оилавий хонадонларда эса, ўзга истеъмолчилар ҳам бирлашиши мумкин”, дейилади.

М.Пардаев ва Г.Шодиевларни эътироф этишича: “Оила хўжалиги деганда, оила аъзоларининг ва бутун жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий эҳтиёжини қондириш ҳамда маълум даражада даромад олиш учун ўз мулкига эга бўлган ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрстаиш каби фаолиятини амалга ошириш мақсадида бир-бири билан эр-хотинлик, бола-чақалик ва туғишганлик асосида бига яшовчи кишилар гуруҳи тушунилади”. Ушбу таъриф кейинчалик (2006 й) ,Г.М. Шодиеванинг монографиясида ҳам эътироф этилган. Булардан ҳам кўриниб турибдики, кимдир уй хўжалигига аҳамият берса, кимдир оила хўжалигини ёқлаб чиқмоқда.

Баъзи бир манбаларда уй хўжалиги тушунчаси қуйидагича талқин этилади: “уй хўжалиги” (домохозяйство, household) –иқтисодий

фаолиятнинг асосий субъекти сифатида, қаерда инсон доимий яшар экан, ўша жойдаги иқтисодий объектларни ва жараёнларни ўз ичига камраб олади. Уй хўжалигини – уй хўжалиги бошлиғи бошқаради. Уй хўжалиги-маълум бир хонадонда яшловчи кишилар гуруҳи. Уй хўжалиги иқтисодий жабҳаларнинг истеъмол билан боғлиқ муаммоларни ва уй-жой сиёсатини таҳлил қилишда статистик кўрсаткич сифатида фойдаланилади (таржима бизники-Ш.Қ).

Инглиз тилида чоп этилган адабиётларда household (уй хўжалиги) тушунчасидан кенг фойдаланилади. Ушбу тушунча иқтисодий жараёнларни миллий ҳисоблар тизимида ёзишда, шунингдек, социал-демографик кузатувларни олиб боришда қўлланилади.

Кўриб чиққанимиздек, рус иқтисодчи олимлари асарларида “домохозяйство” тушунчаси оилалар тўғрисида барча статистик маълумотларни олишда хусусан, оилаларнинг моддий таъминланганлик даражаси, уй-жой, истеъмоли билан боғлиқ муаммоларни, даромад ва харажатлар, аҳолини рўйхатга олиш ҳамда демографик муаммоларни ўрганишда кенг қўлланилади. Бу таърифда, кишилар гуруҳига ҳаёти учун зарур бўлган умумий хўажлик юритиш, бошқача айтганда умумий тирикчилик билан боғлиқ (уй жиҳозлари, анжомлари) воситаларини биргаликда сарф қилувчи ва бир-бирига ёрдам берувчилар сифатида ҳам қаралади. Бунга мисол қилиб, талабалар уйида яшовчи талабаларни, корхона ходимлари яшайдиган ётоқхоналарни ва бошқа шу кабиларни киртиш мумкин.

БМТ нинг юқоридаги ҳужжатида уй хўжалиги сектори-ишлаб чиқарувчи ёи истеъмолчи бўлган ягона ва гуруҳ шахсларни, мустақил юридик статусга эга бўлмаган, лекин ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналар фаолиятини ифодалайди. Бу сеторга аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари, деҳқон (фермер) хўжаликлари ҳамда яка меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар (новвойлар, хунармандлар, осиблар,

этиكدўзлар, тикувчилик, электр аппаратураларини тузатиш ва бошқалар)нинг иқтисодий фаолияти киритилди.

Кўриниб турибдики уй хўжалиги турли адабиётларда турлича талқин қилинган. Бундай қарашларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин.

Биринчидан, уй хўжалиги, иқтисодиётда истеъмол билан боғлиқ муаммолар, социал-демографик кузатувлар ва уй-жой сиёсатини таҳлил қилишда статистик кўрсаткич сифатида фойдаланиш лозимлиги нуқтаи назаридан қаралади.

Икинчидан, бу анъанавий уй-рузғор ишлари (бола тарбияси, овқат тайёрлаш, кир ювиш, уй тозалаш, таъмирлаш) каби ишлар йиғиндисининг умумий миқдори ва ниҳоят оиланинг даромадлари ва харажатларини ўз ичига олувчи кенг мазмундаги статистик ижтимоий-иқтисодий тушунча сифатида баҳоланади.

Учинчидан эса, уй хўжалигининг оила даромади шаклланиши нуқтаи назаридан унга мустақил хўжалик юритувчи субъект сифатида қарашдир. Бу бизнинг нуқтаи назаримизга мос келади. Бунда оилавий тадбиркорлик фаолиятини юритиш алоҳида аҳамият касб этади.

Келтирилган назарий таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, уй хўжалигидан фарқли ўлароқ, “оила хўжалиги”га қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Оила хўжалиги деб, фақат эр-хотин ва туғишганлик асосида бирга яшовчи кишилар, яъни оила аъзолари меҳнатида фойдаланган ҳолда, маълум даражада қонуний йўл билан даромад олиш мақсадида оила мулки асосида хўжалик юритувчи микроиқтисодий субъектга айтилади. Булардан кўриниб турибдики, оила хўжалигида барча мулк бевосита оила аъзоларига қарашли бўлиб, унда меҳнат қилувчилар ва меҳнат натижасидан баҳраманд бўлувчилар ҳам шу оилага мансуб кишилар бўлиб ҳисобланади. Амалдаги тартиб бўйича оила хўжалигида ёлланма меҳнатдан фойдаланилмайди. Бизнинг фиримизча, оила хўжалигида ҳам вақтинча ёлланма меҳнатдан фойдаланиш мақсадга

мувофиқ, чунки айрим мавсумий ишларда оила аъзоларининг меҳнати етарли бўлмаслиги мумкин.

Шу назарий хулосадан келиб чиқадиган бўлсак, уй хўжалигига қуйидагича таъриф бериш мумкин. Уй хўжалиги деб, оиладан фарқли ҳолда фақатгина эр-хотин ва туғишганлик асосида бирга яшовчи кишиларгина эмас, балки зарурат бўлганда ёлланма ишчи кучидан фойдаланган ҳолда, маълум даражада даромад олишни кўзлаб мустақил равишда хўжалик юритиладиган субъектга айтилади.

Демак, бизнинг фикримизча, меҳнатни ташкил қилиш нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак, “уй хўжалиги” ва “Оила хўжалиги” тушунчалари бир-биридан фарқ қилади.

Бозор муносабатлари шароитида кўпчилик оилалар даромад олиш ва оилавий фаровонлигини таъминлаш мақсадида бирор бир тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин. Бу борада ҳам айрим оилимларимиз томонидан тегишли фикрлар айтилган. Жумладан, М.Қ.Пардаев ва З.Н. Қурбановлар оила тадбиркорлигига “Оилавий мулкка асосланган оила аъзолари иштирок этадиган тадбиркорлик оила тадбиркорлиги деб аталади” деб таърифлайди. Г.Шодиева ушбу таърифни кенгайтирган ҳолда, унга оила аъзоларининг тадбиркорликдан асосий мақсади фойда олиш эканлигини инобатга олиб, уни қуйидагича таърифлайди. “Оила тадбиркорлиги деб, оилавий мулкка асосланган, оила аъзолари иштирок этадиган ва маълум даражада даромад (фойда) олишни кўзлаб қилинадиган фаолиятга айтилади” деб таъкидлайди.

Юқоридаги таърифларни эътироф этган ҳолда, тадбиркорлик фаолияти “оила”да эмас, балки “оила хўжалиги” да амалга ошишини ҳисобга олсак, оилавий тадбиркорликка қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқдир: Оилавий тадбиркорлик деганда, жисмоний ёки юридик шахс мақомига эга бўлган, эр-хотин ва уларга кўмаклашдиган оила аъзоларининг меҳнатига ва мулкига таяниб, қонуний асосда даромад олишга мўлжалланган тадбиркорлик фаолияти тушунилади. Ҳақиқатдан

ҳам ушбу таърифда, оила хўжалигининг даромад олиш манбаи яъни мулки, фаолияти ва унга алоқадор шахслар ўз ифодасини топган. Шу билан бирга оилавий тадбиркорликнинг қишлоқда деҳқон хўжалиги сифатида намоён бўлиши ҳам назарда тутилади.

Хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликнинг қарор топиши мамлакатимизда жуда кўп ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилади. Энг аввало, у бозор иқтисодиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган кичик бизнес ва хусусий мулкдорлар синфини барпо қилади. Иккинчидан, мамлакатимизнинг бозорини истеъмол товарлари ва турли хизматлар билан бойитиш имкониятини яратади. Учинчидан, иш билан банд бўлмаган аҳоли сонини қисқартиради ва унинг фаол қисмини ишалб чиқаришга жалб этиш имконини беради. Тўртинчидан, эса энг муўим бўлган муаммони, яъни оила даромадларини оширишда асосий манбага айланади. Шу туфайли оилавий тадбиркорликни ҳозирги замон даражасида ривожлантириш, юксак савияда рақобатбардош маҳсулотлар (иш, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳолатига келтиришга эришиш лозим. Бу эса одамлардан, бутун оммадан доимий изланувчанликни, ташаббускорликни, янги ихтиролар кашф этишни талаб қилади. Бу ҳам мамлакатимизда ортиқча сармоя талаб қилмайдиган оимлларнинг, айниқса инсон омилининг ишга тушиши учун асос бўлади.

Бизнинг илмий тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, “оила” тушунчасининг бозор муносабатлари шароитидаги ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан мазмунининг ўзгарганлигини ҳисобга олиб, қуйидаги хулосаларни чиқаришга асос бўлди:

- янгича иқтисодий муносабатлар шароитида “оила”, “уй хўжалиги”, “оила хўжалиги” категорияларининг (тушунчаларининг) ижтимоий-иқтисодий мазмунини назарий жиҳатдан фарқлаш лозим. “Уй хўжалиги”, “оила хўжалиги” тушунчасига нисбатан кенгроқ мазмунга эга;

- бозор муносабатлар шароитида хўжалик юртишнинг оилавий тадбиркорлик шакли иқтисодий муносабатларнинг асосий субъектига айланади;
- “уй хўжалиги”-тадқиқот объекти сифатида хизмат кўрсатувчи оилаларда, ёлланма ишчи кучига таянилиши эътиборга олинади;
- “оила хўжалиги”да эса, оила мулки ва меҳнатига асосланган оилавий корхоналар ва хонадон цехларини ҳам ўз ичига қамраб олади, аммо унда, амалдаги тартиб бўйича, ёлланма ишчи кучидан фойдаланиш мумкин бўлмаган субъект тушунилади. Шу жиҳатдан, оила пудрати ҳам фақат ўз оила аъзолари меҳнатидан фойдаланиши туфайли оилавий тадбиркорликка киради;
- Оила хўжалиги функциялари ўзаро боғлиқ . Уларнинг ҳаммаси мақсадга мувофиқ қаратилган бўлиб, жамғариш ва хзаражатларни қоплашни кўзда тутати;
- “Оила-оилавий тадбиркорлик” категориялари мураккаб ажралмас мажмуадир. Бунда оила фақат истеъмолчи сифатида ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Бироқ, оилавий тадбиркорлик фақатгина оила негизида шаклланади ва ривожланади.

Оила хўжаликларининг турли ҳаётий фаолиятларини таҳлил қилишда оила хўжалиги таркиби, оиладан ташқарида яшовчилар, оила хўжалиги харажатлари ва даромадлари тўғрисида аниқ статистик маълумотлардан фойдаланишни ҳам талаб этади. Замонавий оила ривожланишининг муҳимлиги ва оила структурасининг кўп қирралари бугунги кун талаб даражасида ўрганилмасдан қолмоқда., бунга адекват, ҳақиқий ва зарурий маълумотларнинг етарли даражада эмаслигини сабаб қилиб кўрсатиш ҳам мумкин. Бу эса ўз навбатида оилаларнинг илмий ва амалий тадқиқотини янада ривожлантиришни талаб қилади.

Ҳозирги кунда республикада қарийиб 31,5 млн. аҳоли истиқомат қилмоқда. Агар оиланинг катталигини ўртача 5,1 деб ҳисобласак, у ҳолда бизнинг ҳисоб-китоблар бўйича оилалар сони 5,2 млн. тани ташкил этади.

Ушбу кўрсаткич Қашқадарё вилоятида 2014 йил 1 январ ҳолатига 2965,3 минг кишини оилалар сони эса 581 мингтадан зиёдрокни ташкил этади. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 фоизга ўсган. Вилоят аҳолисининг 28,9 фоизи шаҳарда, 74,1 фоизи қишлоқ жойларида истиқомат қилмоқда. Аҳолининг табиий ўсиши 47,2 минг кишини, механик ўсиш манфий сальдо билан 11,5 кишини, жами ўсиш 35,7 минг кишини ташкил қилади.

Оила хўжалиги даромадлари таркибида асосий қисмни меҳнатга ҳақ тўлаш (иш ҳақи) ва бозор даромадлари (мулк ва тадбиркорлик даромадлари) ташкил қилади. Шу боис, оила даромадларини тадқиқ этишнинг айрим усулларини кўриб чиқамиз.

Ушбу методологияга асосланиб, оила хўжаликларининг ижтимоий-иқтисодий аҳолини ўрганиш мақсадида Қашқадарё вилоятининг турли ҳудудларидан 135 та хизмат кўрсатувчи оиланинг танланма кузатувини олиб бордик. Ушбу кузатилган оилаларнинг ўртача таркиби 4,8 кишини, шаҳарда 3,4 ва қишлоқ жойларда 6,2 кишини ташкил этади.

Кузатилган оила хўжалиги аъзоларининг ёши жиҳатида таркибий тузилиши қуйидагича: 15 ёшгача 33,8 %, 16-19 ёшгача 9,8 %, 20-29 ёшгача 17,8 %, 30-39 ёшгача 13,2 %, 40-49 ёшгача 11,5 %, 50-54 ёшгача 4,0 %, 55-59 ёшгача 2,7 %, 60-69 ёшгача 4,0 %, 70 ва ундан юқори 3,2 %.

Жами кузатилган оила хўжаликларининг ўртача ёши 25,6 ёш, ундаги меҳнатга яроқли ёшнинг улуши 55,1 % ни, меҳнат билан бандлар 36,5 %, вақтинча иш билан банд бўлмаганлар 14,9 % ни ва оналик таътилидагилар 2,3 % ни ташкил этади (1-илова).

Барча оилаларда моддий фаровонликни таъминлаш масаласи кун тартибда турган муҳим муаммолардан биридир. Аммо бу муаммони бирданига ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг учун ҳар бир оила аъзоси ўта тадбиркорлик ва ақл билан иш тутиши лозим. Юртбошимизнинг "... бу вазифаларнинг негизида, амалга оширишимиз лозим бўлган бу ғояларнинг пойдеворида битта нарса турибди: у ҳам бўлса, халқимизнинг ҳаёт

даражасини юксалтиришдир. Бунга, аввало, барча жабҳаларда бошланган эркинлаштириш сиёсатларини амалга ошириш эвазига эришишимиз мумкин. Нафақат давлатнинг, балки ҳар қайси оила, ҳар қайси одамнинг даромадини кўтариш турмуш даражасини яхшилаш бўйича кўп ишларни қилишимиз даркор” деган кўрсатмасидан келиб чиқадики, оилалардаги муамоларни ҳал қилиш, ҳамда оилаларни тадқиқ қилиш заруратининг мавжудлигини ва унинг қўлламани оширишнинг муҳимлигини яна бир бор кўрсатиб бердилар. Зеро, оила хўажликларининг иқтисодий имконияти маълум даражада чекланган. Ундан фақат самарали фойдаланган тақдирдагина кўзланган мақсадга, яъни оила фарвонлигига эришиш мумкин. Бу фарвонликка эришиш учун эса, ҳар бир оилада тадбиркорликни йўлга қўйиш, хизмат соҳасида оилавий тадбиркорликнинг иқтисодиётда тутган ўрни ва уни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини ўрганишни тақозо этади.

2. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида оилавий тадбиркорликнинг вазифалари, даромадларининг ташкил топиши ва уни ривожлантиришнинг концентруал йўналишлари

Хизмат кўрсатиш тармоқлари мамлакат иқтисодиётининг таркибий қисми сифатида ялпи ички маҳсулотини ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этадиган соҳадир. Хизмат соҳаси биринчи галда иқтисодий-ижтимоий фаолият бўлиб, бевосита кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлики субъектларига мос келади. Бу соҳанинг иқтисодиётда тутган ўрни беқиёс бўлиб, уни ривожлантиришдан республикамиз қуйидаги манфаатларни кўради:

- таъкидланганидек, ЯИМ ишлаб чиқаришда иштирок этади.
- моддий ва номоддий неъматлар ишлаб чиқарувчи кичик бизнес субъектлари сифатида шаклланади;
- мамлакатда янги хизматлар бозори пайдо бўлади;

- янги иш жойлари ва корхоналар бунёд этилади (йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтириш ҳисобига янги иш ўринлари яратилди;
- аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми ошади;
- ҳудудий инфратузилма ва хизмат кўрсатиш объектлари ислоҳ қилинади;
- хизмат соҳасига оид янги касблар ўрганилади ва б.

Ушбу манфаатлар эътиборига олиниб, хизмат соҳаси ислоҳ қилинди.

Бундай мураккаб иқтисодий муносабатларнинг содир бўлишини таъминлашда бевосита ушбу соҳада тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Оила хўжалигининг иқтисодий вазифаларини таснифлашда иқтисодчи олим А.Ўлмасов бу вазифаларни шартли равишда уч қисмга ажаратади:

- меҳнат ресурсларини етказиб бериш;
- истеъмол этиш ва уй хўжалигини юритиш;
- ишлаб чиқариш;

М.Р.Бўриева оила функцияларини уч йўналишда ифодалайди:

- оиланинг демографик вазифаси;
- оиланинг ижтимоий вазифаси;
- оиланинг иқтисодий вазифаси;

Муаллиф фикрига кўра, оиланинг ички барқарорлигига хизмат қилувчи иқтисодий функция “Оила-жамият” тизимида ҳам амал қилади. Аслида ҳам оила ўзининг шу функцияси туфайли жамиятга катта иқтисодий фойда келтиради. Чунки, инсон ресурси жамият ва давлат учун зарур экан, бола тарбияси, болани иқтисодий таъминлаш борасида оила давлат функциясининг барқарор бўлиши, аввало, давлат манфаатларига мосдир.

Оила хўжалигининг функциялари кўп қирралидир. Чунки, у жамиятнинг ҳамма асосий жиҳатлари фаолиятини ўз ичига олади. Оила функциялари системасини қуйидаги уч босқичда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.


Биринчи босқичда, оиланинг моддий базаси юзага келтирилади, яъни оила бюджетининг яратилиши, унинг фойдаланилиши ва уй хўжалигининг юритилиши.

Иккинчи босқичда, оилада фарзанд туғилиши ва унинг тарбияси амалга оширилади ҳамда рекрецияли функция бажарилди. Ҳар ҳолда “инсон капитали”ни ишлаб чиқариш учун моддий заҳиралар, товар ва хизматлар бўлиши шарт.

Учинчи босқичда, реализация масалалари ечилади, яъни бозор хўжалигида оила аъзоларининг алоҳида якка ҳолатда қатнашуви: оилавий бизнесни уюштириш, уй хўжалигини юритиш, даромадларни юзага келтириш ва уларнинг тақсиротини амалга ошириш таъминланади. Шу билан бирга оила хўжалигининг “инсон капитали”ни қарор топтиришдаги вазифалари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бизнинг фикримизча, оила хўжалиги фаровонлиги муаммоси кўп жиҳатдан структурали таҳлилни талаб этади, шу жиҳатдан оила хўжалиги функцияларини, унинг фаровонлигини таъминловчи омиллар сифатида қаралиши мақсадга мувофиқдир.

Оила хўжалиги, таъкидланганидек, бозор муносабатларининг энг асосий иштирокчиларидан ҳисобланади. Улар иқтисодий ишлаб чиқариш оимллари билан таъминлайди, уларни ресурслар бозорига етказиб бериб моддий даромад олади ва оила аъзоларининг эҳтиёжини қондириш мақсадида товар ва хизматлар истеъмоли учун харажатларни амалга оширади. Оила хўжалиги иқтисодий муносабатларнинг энг муҳим иштирокчиси сифатида, давлат ва фирмалар билан иқтисодий алоқадорлиги қуйидаги чизма асосида тасвирланган.



2.1-расм. Оила хўжалигининг бозор тизимидаги ўрни

Бунда: C- истеъмол учун оила хўжалигининг харажатлари;

S- оила хўжалиги жамғармаси;

I- инвестициялар;

G- давлат харажатлари;

Te – эгри солиқлар;

Td – тўғри солиқлар;

Y – даромадлар;

B – трансфертлар.

Чизмадан кўришиб турибдики, уларнинг бозор тизимидаги ҳаракатлари турлича ва улар бир-бирини тўлдириб боради. Қуйидаги жадвал орқали уларнинг вазифаларини ҳам кўриш мумкин. (2.1-жадвал).

Оила хўжалиги иқтисодиётининг доиравий айланиши натижасида давлат, фирмалар ва молиявий институтлар билан бозор муносабатларини олиб боради. Оила хўжалиги товар ва хизматларни истеъмол қилувчи сифатида эмас, балки улар иқтисодиётнинг кўплаб соҳалари билан биргаликда хўжалик фаолиятини юритади. Оила даромадини кўпайтириш ва экспертларнинг баҳолаши бўйича оила хўжалиги товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар бажариш жараёнида иқтисодиётнинг 14 соҳаси

билан алоқадордир. Уларнинг асосийси: қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо ва умумий овқатланиш, уй-жой хўжалиги, транспорт, маданият, санъат ва бошқалар.

Миллий ҳисоблар тизимига кўра, уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи ижтимоий ташкилотлар секторига аҳолининг индивидуал ва коллектив талабларини қондиришда банд бўлган корхоналар ҳам киради. Улар ўз ичига аҳолининг индивидуал талабларини қондирувчи ижтимоий ташкилотларни олади. Унинг ресурслари асосан кўнгилли взнослардан, уй хўжаликларининг хайр эҳсонларидан ва мулкдан олинган даромаддан иборат бўлади.

2.1-жадвал

Бозор иқтисодиётининг асосий иштирокчилари ва уларнинг вазифалари

Давлат	Фирмалар	Молиявий институтлар	Оила хўжалиги
Иқтисодиётни тартиблаштириш	Ишлаб чиқариш омиллари ва хизматларни сотиб олади	Аҳолига молия-кредит хизмат турларини кўрсатади	Ресурсларга мулккий эгалик қилади ва уларни фойдаланиш учун сотади
Иқтисодий фаолият қоидаларини белгилайди ва шароитларни яратади			
Солиқ ва бошқа усуллар билан даромадни қайта тақсимлашга қатнашади. Бозор иштирокчиси сифатида иқтисодий фаолият кўрсатади	Товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарали ҳамда уларни сотади	Хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлайди ва молиявий кўмак беради	Товар ва хизматлар сотиб олади

Иқтисод тўғрисида шарқ олими йирик жамоат арбоби Абдулла Авлоний шундай дейди: “биламакни айтилар... Оламдаги ҳамма миллатларнинг ҳол ва қудратлари, мол ва бойликлари ила ўлчанур”.

Кичик бир оила иқтисоди ва давлат иқтисоди тушунчалари мавжуд. Оила иқтисоди меҳнат билан топилган ҳалол мол-мулк ҳамда тежамкорлик йўли билан йиғилган нарсалардан иборатдир. Худди шу омиллардан келиб чиқиб, фалончи оиласининг иқтисоди яхши, ёхуд ўртача, ёхуд яхши эмас дейишади. Халқ онгига сингиб кетган “иқтисод билан ишлаган кишилар, фақир бўлмаслар” деган ҳадис бор. Унга қуйидагича изох берилади: “Киримга қараб чиқимини тутта билмаган киши бор давлатини битириб, охири хўрликка тушгани ҳолда киримга қараб чиқимини тутта билан киши бой бўлмасада ўзини фақирликдан сақлай олади”. Демак, иқтисоднинг яхши ёки ёмонлиги тежамкорликка бевосита боғлиқдир. Шундай экан болага оилада иқтисод, кирим–чиқим моҳияти ҳақида тарбия бериш лозим. Кейинчалик у оилани юритиш, унинг иқтисоди ҳақида қайғуриш сир асрорларини билиб боради.

Агар республикамиз оилаларнинг олаётган даромадлари таркибига ва унинг оила ялпи даромадидаги ҳиссасига эътибор берсак, у қуйидагича эканлигини кўришимиз мумкин. (2.2-жадвал)

2.2-жадвал

**Ўзбекистонда 2012-2013 йилларда аҳоли пул даромадлари тарикби,
(фоиз ҳисобида)**

Т/р	Манбаалар	2012	2013	2013 йилда 2011 йилга нисбатан ўзгариши, % ҳисобида
	Пул даромадлари, жами	100	100	-
1	Меҳнат даромадлари	29,4	29,7	+0,3
2	Тадбиркорлик даромадлари (тадбиркорлик, мулк ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш ва	56,0	55,1	-0,9

	б)			
3	Ижтимоий тўловлар	14,6	15,2	+0,6

Манба: Статистическое обозрение республики Узбекистан за 2012 год. Т.: Госкомстат. 2013-С.42.

Тадбиркорлик даромадининг оила хўжалиги ялпи даромадидаги ҳиссаси бозор муносабатларининг ривожланиш даражасига боғлиқ. Бозор муносабатлари қанчалик ривожланган бўлса, шунчалик тадбиркорлик даромади ва мулкӣ даромадларнинг роли ошиб, трансфертларнинг улуши пасайиб боради. Ушбу 2.2-жадвалдан кўриниб турибдики, 2012 йилда тадбиркорлик даромадининг (мулк, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан ва турли хил хизмат кўрсатишдан тушган даромадларни қўшиб ҳисобланганда) аҳоли пул даромадларидаги улуши 56,0 фоиз бўлган бўлса, 2013 йилга келиб 55,1 фоизга ўзгарган. Ушбу фаолиятдан олинган даромад оз бўлсада кўпайиш тенденциясига эга. Бирок, бу салмоқ ҳали етарли эмас. Айни пайтда, ижтимоий трансфертларнинг улуши ҳам, 14,6 фоиздан 15,2 фоизга ўсганлиги кўриб турибди. Бу даромад тури ҳам 2007 йилни “Ижтимоий ҳимоя йили” деб эълон қилиниши муносабати билан янада ўсган. Бизнинг илмий таҳлилларимиз кўрсатмоқдаки, ушбу назарий ва методологик тавсияларни умумлаштириб, бу даромад турларини миллий ҳисоблар тизимига мослаштириш ва уларни қуйидаги таркибларга ажратиб изланишлар олиб бориш мақсадга мувофиқдир, яъни тушум шакллари қуйидаги элементлардан таркиб топади: (а) пул даромадлари ва (в) натура кўринишидаги даромадлар. Буни икки ўлчовли жадвалда ифодалаш мумкин. Жадвалнинг горизонтал йўналиши бўйича тушумларнинг манбаи ва вертикал йўналиш бўйича эса, тушум шакллари ифодаланган (2.3-жадвал).

Ушбу жадвалда даромадларнинг алоҳида компоненти R_i билан ифодаланган. R - сони жами даромадни ифодалайди; R_i ва R_j - жами даромаднинг манбалари ва тушум шаклларининг асосий компоненти; R_{ij} - элементлар таркибини билдиради.

Оила хўжалиги даромадларининг манбаи ва тушум шакллари

Т/р	Даромадлар манбаи	Тушум шакллари		
		пул	натура	жами
		а	в	а+в
1.	Меҳнат даромадлари	R_{1a}	R_{1b}	R_1
2	Ижтимоий тўловлар (пенсия, нафақа, стипендия ва б.)	R_{2a}	R_{2b}	R_2
3	Тадбиркорлик даромадлари: қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан тушган даромадлар, мулк даромадлари (ижара, дивидент, банк фоизи) ва турли хизматлардан	R_{3a}	R_{3b}	R_3
4	Таниш, қариндошлар ва алиментлардан	R_{4a}	R_{4b}	R_4
5	Натурал кўринишдаги даромадлар	R_{5a}	R_{5b}	R_5
	Жами	R_a	R_b	R

Манба: муаллиф томонидан тузилган

Оила хўжалиги даромадлари таҳлили унинг умумий даромадларини таркибий қисмларга ажратишни ҳам тақозо этади. Даромадлар таркибини функция кўринишида қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$\sum_{i=1}^n x_i = f(x), \quad (i = 1, 2, \dots, n)$$

Бунда: x - оила хўжалиги умумий даромадининг ўртача даражаси;

x_i - умумий даромаднинг таркибий қисмлари

Кейинги вазифа ушбу даромад турларининг ҳар бирини хизмат кўрсатиш соҳаси билан шуғулланадиган оила хўжаликлари даромадидаги улушини таҳлил қилишдан иборат бўлади. Бу таҳлил худди шу тарзда

Қашқадарё вилоятида кузатилган 135 та оила хўжалиги маълумотлари асосида ишнинг 2-бобида батафсил таҳлил қилинган.

Мазкур ишда оила даромадларни солиққа тортилиши нуқтаи назаридан таҳлил қилиш зарурати йўқ деб ўйлаймиз. Чунки, республикамизда 2001 йилдан эътиборан, ҳар бир оила аъзоси ўзларининг олган даромадлари тўғрисида “Даромадлар декларацияси”ни солиқ идораларига топширадилар.

Шу ўринда оиланинг ҳақиқий даромадини белгилашнинг яна бир усулини эслаб ўтиш лозим, у ҳам бўлса, оила умумий даромадининг биргаликдаги декларациясидир. Ҳозирги амалиёт бўйича ҳар бир оила аъзоси даромадлари тўғрисида декларация топширадилар. Аммо бу ҳолат ҳали етарли эмас. Чунки, оиланинг кўпгина аъзолари даромад олиши мумкин, лекин ҳаммаси ҳам декларация топширавермайди. Шу туфайли оиланинг ҳақиқий даромадини белгилаш “Оила умумий даромадлари декларацияси”ни тақозо этади. Албатта, оиланинг ишлаб топа олмайдиган қаровга муҳтож бўлган аъзоларини сақлашга кетадиган харажатлар ва оила даромади таркибига кирмайдиган бошқа даромадлар бандан истисно. Бу чегирмалар мамлакатимиз қонунчилигида кўзда тутилган, лекин улар талаб даражасидан анча узоқдир.

Бизнинг фикримизча, қонунчилигимизга “Оила умумий даромадлари декларацияси” тушунчасини киритиш зарур. Бу эса солиққа тортиш тизимининг адолатлилиги хусусиятини оширади ва оиланинг ҳақиқий даромадини ҳисоблаш имконини беради.

Юқоридаги назарий таҳлиллардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келинди:

- тадбиркорлик фаолиятини юритувчи оила мамлакатда товарлар ишлаб чиқариш ва хиятлар қрсатиш билан шуғулланади. Демак, оила хўжалиги нодавлат сектор сифатида кичик бизнеснинг бир қисми ва аҳолининг ёрдамчи хўжалигини ифодалайди. Шу билан бирга унга фермер хўжаликлари, кооперативларга қўшилмаган корхоналар ҳам киради.

- оила хўжалиги функциялари ўзаро боғлиқ. Уларнинг ҳаммаси мақсадга мувофиқ қаратилган бўлиб, жамғариш ва харажатларни қоплашни кўзда тутди;
- оила хўжалиги фаровонлиги муаммоси кўп жиҳатдан структуралӣ-функционал таҳлилни талаб этади, шу жиҳатдан оила хўжалиги функциялари унинг фаровонлигини таъминловчи омиллар сифатида қаралиши лозим;
- оила хўжалиги ўз функцияларини муваффақиятли бажариши нафакат унинг моддий фаровонлигига, шу билан бирга оилада келиб чиқадиган ижтимоий низоларнинг ҳам қисқаришига олиб келади;
- Республикамизда хориж тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, оила хўжалиги мулки ва даромадларини аниқ ҳисобини олишда “Оила даромади декларацияси” амалиётга тадбиқ этилса мақсадга мувофиқ келади.

Шундай қилиб, оилавий тадбиркорлик кўп қиррали бўлиши билан бирга, хизмат соҳасидаги оилавий тадбиркорлик ҳам умумий тадбиркорлик таркибида ва иқтисодиётда ҳам ўзига хос ўринга эга.

Ўзбекистонда хизмат соҳаларида хусусий тадбиркорликни рағбатлантирилиши мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ҳал қилувчи стратегик омилларидан бири ҳисобланади. Ҳукуматимиз томонидан чиқарилган бир қатор қарорлар натижасида бошланган кичик корхоналар ташкил этиш ва уни рағбатлантириш жараёни кейинги йилларда иқтисодиётимизда муҳим ўзгаришларга олиб келди.

Хусусий тадбиркорлик оилаларда иш юритиш ва тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришда, уларни бозор муносабатларига тезроқ мослаштиришда потенциал самарали воситадир. Оилаларга нафакат ўз ишчи кучи, балки ўз мулки, жумладан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида мулк эгаси бўлишга имкон яратиб, у ўрта синф - жамиятнинг прогрессив тараққиётини таъминлашга қодир, демократия ва ижтимоий барқарорликда манфаатдор ижтимоий қатламнинг шаклланиши учун асос яратади.

Оилавий тадбиркорлик оилалар фаровонлигини сезиларли даражада оширади. Улар истеъмол талабининг ўзгаришларига ҳаммадан тез мослашади, иқтисодий вазиятнинг тебранишларига мувофиқ тарзда ўз фаолияти ихтисосини тез ва нисбатан асоратсиз ўзгартира олади. Улар ўз фаолиятини ташкил қилиш учун камроқ ресурс талаб қилади ва банкрот бўлган ҳолда жамият учун фожиавий иқтисодий оқибатларга олиб келмайди, улар иқтисодиётнинг ҳудудий тузилмасини яхшилайти. Тадбиркорлик билан шуғулланувчи оила - бандлик ва даромадга, ўз келажагини яхшироқ бошқаришга, ўз ишини топиш, ўз қобилиятлари ва истеъдодини намоён қилиш имкониятларига эга бўлади.

Оилавий қорхоналар умуман олганда, мамлакат бўйича иқтисодий фаол қорхоналарнинг асосий қисмини ташкил этади. Бунда айнан оилавий қорхоналар катта муваффақият билан ажралиб туради. Шунинг таъкидлаш керакки, бундай вазият Ўзбекистон учун анъанавий ҳисобланади ва буни ҳунармандчиликка бориб тақалувчи тадбиркорликнинг тарихий шаклларида кузатиш мумкин.

Оила - ўз мақомига қараб бизнесда турлича иштирок этади. Ишлаб чиқариш билан бевосита ўз номидан шуғулланувчи оилалар борки, улар оилада якка тартибда ишловчилар, оилавий пудрат, деҳқон, фермер хўжаликлари, кичик оилавий фирмалар, ҳунармандчилик қорхоналари, касаначилик ва хонадон цехларидан иборатдир. Лекин шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, бизнинг назаримизда Республикамизда оилавий тадбиркорлик субъектлари жаҳон стандартлари талабларига мувофиқ ўзининг маҳаллий ҳарактерига ҳам эга.

- миллий ширинликларни ишлаб чиқарувчи оилавий тадбиркорлик фаолияти. Бу фаолият тури республикамизда кенг тарқалган бўлиб, миллий байрамларда ва тадбирларда кенг истеъмол қилинади ва унинг қулайлиги шундаки, ишлаб чиқаришга кетган харажатлар ўзини тезда қоплайди;
- миллий либослар (чопон, келинлик либослари) тикувчи кичик оилавий

тадбиркорлик. Бу фаолият тури ҳам кенг тарқалган бўлиб, бу маҳсулотлар кўҳна шаҳарларимизга келиб кетувчи саёҳлар ҳамда маҳаллий халқ томонидан ҳам кенг харид қилинади;

- дурадгорлик (уймакорлик) - ўзбек оилаларида кенг тарқалган фаолият тури ҳисобланиб, бу касб тури отадан ўғлига мерос бўлиб қолувчи ёки уста шогирд анъаналарига таянади. Сўнг пайтларда кўплаб майда кооперативлар, ёғоч маҳсулотларини ишлаб чиқувчи ва чиқимларини қайта ишловчи (мебел, уй жиҳозлари) оилавий тадбиркорлик корхоналари ташкил этилмоқда;

- темирчилик (темирдан буюмлар тайёрлаш)-бу фаолият тури ҳам оилаларда ташкил этилиб, унинг маҳсулотлари маҳаллий халқ ўртасида кенг истеъмол қилинади ва у миллий ҳунармандчиликнинг бир тури ҳисобланади.

Ушбу оилавий корхоналар томонидан яратилган маҳсулотларнинг асосий қисми, қўл меҳнати ёки меҳнат жараёнининг биров механизациялашуви ёрдамида яратилмоқда. Кейинги йилларда меҳнат бозорида юқори технологиялар базасида турли хил ахборот хизматларининг пайдо бўлиши ҳам бу борадаги ишларни енгиллаштиришга сабаб бўлмоқда.

Бу кўринишдаги оилавий тадбиркорлик фаолиятининг қулайлиги ва афзаллиги шундаки, уни ташкил этишнинг осонлиги ва ихчамлиги, ишчи кучи ва меҳнат ресурсларининг оиладна етишиб чиқиши (зарурат туғилганда ёлланма ишчилардан фойдаланилади), аниқ миқдорлар талаби учун маҳсулот ишлаб чиқариши, маҳаллий хом ашёлардан кенг фойдаланилиши ҳамда товар ва хизматларни сотиш эса маҳаллий бозорларда амалга оширилади.

Хулоса қилиш мумкинки, оилавий бизнес ўз ўрнини аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам топмоқда. Бугунги кунда маданий-маиший ва оила хўжалиги ускуналарини ижарага бериш ва таъмирлаш ишлари хусусан, кийим кечакларни таъмирлаш, аҳолига юқори савияда транспорт хизматини кўрсатиш, (йўловчиларни ташиш), хонадонларга

зарур хўжалик буюмларини (мебел, қурилиш материаллари, истеъмол товарларини) етказиб бериш учун керакли хизматлар кўрсатилмоқда.

Ҳозирги вақтда республикамизда уй-жой қурилиши ва коммунал комплексида ислохотлар жараёни кечиши муносабати билан оилавий тадбиркорлик субъектлари томонидан айнан шу соҳаларда оилаларни маиший хизматга бўлган эҳтиёжларини қондиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада оилавий корхоналар уй-жой эксплуатацияси, уларни сув, иссиқлик манбаи, электр энергияси билан таъминлаш бўйича ҳам ўз хизмат турларини таклиф қилишмоқда.

Бу каби оилавий тадбиркорликнинг жойланиши нуқтаи назаридан қуйидагича таснифлаш мумкин (2.2 - расм).



2.2-расм. Оилавий тадбиркорликнинг жойлашиши нуқтаи назаридан таснифи

Оилавий тадбиркорлик - аҳолининг талай қисми учун меҳнатини қўллайдиган жабҳа ва даромад манбаидир. Оилавий тадбиркорликда ёлланма меҳнатдан фойдаланилади, бироқ ёлланма ишчи сифатида фақат ташаббускор ёки оила бошлиғининг яқин кишилари жалб қилиниши мумкин. Албатта, айрим чекланишлар ҳам мавжуд. Масалан, тадбиркорнинг оиласи билан қариндошлик алоқалари бўлмаган биргаликда яшовчи (ижарада турувчи), икки талабани ишга жалб қилишлари ҳам мумкин. Кўрсатиб ўтилган шароитлардан келиб чиқиб оилавий корхоналар чекланган, кам сонли ишчилар билан характерлидир. Оилада тадбиркорликни йўлга қўйиш, ўз-ўзидан ҳар бир оилада мавжуд бўлган ишсизларнинг иш билан банд бўлиш имконини беради. Хусусан, оилада тадбиркорликни ва меҳнатни ташкил қилиш орқали нафақахўрлар, ногиронлар, оналар, ёш боласи туфайли меҳнат таътилига чиққанлар ва талабаларни қўшимча иш билан таъминлаш ва етарли малака ва тажрибаси бўлмаган, эгилувчан жадвалли иш кунини истаганлар учун меҳнат бозорининг энг мослашувчан қисми ҳисобланади. Аёллар, илк бор иш қидираётган ёшлар, маълумоти ва меҳнат тажрибаси юқори даражада бўлмаган шахслар қўпинча фақат шу ерда иш топиши мумкин. Бу жабҳада машғул кишиларнинг аксарият қисми учунгина эмас, балки уларнинг оила аъзолари учун ҳам асосий даромад манбаи ҳисобланади.

Президентимиз таъкидлаганидек: “Янги иш жойлари ва корхоналар бунёд этилади. Ўтган йили аҳолининг ижтимоий фаровонлигини таъминлаш ва социал соҳани ривожлантириш масалалари фаолиятимизда ҳал қилувчи ўрин эгаллади.

Янги иш ўринлари ташкил этиш, бандликни таъминлаш ва аҳоли даромадларини ошириш масалалари доимо эътиборимиз марказида бўлиб қолмоқда.

Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича минтақавий дастурларнинг амалга оширилиши натижасида 2013-йилда қарийб 970 минг киши иш билан таъминланди. Бу иш ўринларининг

60,3 фоиздан ортиғи қишлоқ жойларда яратилди. Бу борада кичик корхоналар, микрофирмалар ва якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 480 мингдан ортиқ, касаначиликни кенгайтириш ҳисобидан эса 210 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилди.”

Оила тадбиркорлиги ишсизликни бартараф этиши билан бирга, яна бир қанча афзалликлари мавжуд. Биринчидан, мулкый муносабатларда меники ва сеники деган зиддият бўлмайди. Иккинчидан, иш берувчи ва ишловчи ўртасидаги муносабатда ҳам зиддият йўқ, чунки уларнинг иккаласида ҳам битта оила аъзолари иштирок этади. Учинчидан, меҳнат натижасидан манфаатдорлик ҳам бир хил. Тўртинчидан эса, ворислик - оилавий бизнеснинг асосий жиҳатларидан бири ҳисобланади. Агар корхонанинг энг кекса ходими ишдан кетса, унинг катта фарзанди бўлимни бошқариши мумкини, кичиги - аниқ лойиҳа устида ишлаши мумкин, набиралари эса шогирд сифатида ишга жалб қилиниши мумкин. Бошқача айтганда, оилавий корхона ўз мутахассисларини ўзи учун тарбиялашга интилади. Шу жиҳатлари билан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муҳим концептуал аҳамиятга эга ҳисобланади.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги (2006 йил 5 январ) Фармони ва 2006 йил 11 январда мазкур фармонни амалга ошириш чораларига бағишланган 4-сонли қарори ва шу қарор юзасидан “Касаначилик тўғрисида Низом”, “Тижорат банклари томонидан оилавий тадбиркорлик субъектларига бандликка кўмаклашиш жамғармаси кредитлари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида” ги (ЎЗР АВ 03.06.2002 й, 1146-сон билан рўйхатга олинган) Низом қабул қилинди.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги (2006 йил 17 апрел)

қарорига биноан, мамлакатда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қаторига мамлакатимизда ананавий хизматлар турларини ривожлантириш, айрим бугунги кун талабига жавоб берадиган, аммо унитилиб кетилган хизмат турларини излаб топиш ва уларни тиклашга алоҳида эътибор берилган. Белгиланган бу тадбир, хизмат соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур Фармон ва Низомларда оила меҳнатидан фойдаланган ҳолда, уй шароитида ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни ташкил этиш ва касаначиликнинг турли шакллари кенг ривожлантиришга реал имкониятлар яратиб берилган. Бу имкониятлар натижасида мамлакатда қарийб 570 мингта янги иш ўринлари яратилди.

Касаначилик деганда эса, бу ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг тарихий шаклларида бўлиб, бунда ишчилар тадбиркорлардан зарурий хом ашёларни олиб, буюртма асосида товар ва хизматлар ишлаб чиқарадилар ва барча ишлаб чиқариш жараёни ишчилар оиласида содир бўлади. Ишлаб чиқаришнинг бундай шакли тадбиркорларга анча моддий манфаатлар келтиради. Булар кўйидагилар билан характерлидир.

Биринчидан, тадбиркорларнинг асосий капиталга (уй-жой, бино, асбоб - ускуна) бўлган харажатлари анча тежалади;

Иккинчидан, меҳнатни ташкил этишда ишчи кучи оилаининг ўзида етишиб чиқади ва энг муҳими уй бекалари меҳнатидан фойдаланилади;

Учинчидан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига киритилган оилавий тадбиркорлик субъектлари микрокредитларни олишда бирмунча афзалликларга эга бўладилар. Жумладан: кам таъминланган, кўп болали оилалар, шунингдек қарамоғига етим болаларни олган оилалар; таркибида ногиронлар бўлган, ижтимоий муҳим касалликлар билан оғриган, шунингдек ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли гуруҳига кирадиган шахслар бўлган оилалардир.

Оила хўжалигида ишлаб чиқариш (касаначилик, ҳунармандчилик) нинг вужудга келиши тарихан шаклланган бўлиб, ўрта асрларнинг охирига тўғри келади. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, миллий ҳунармандчилик Қашқадарё вилоятининг баъзи шаҳар ва туманларида қадимдан ривожланиб келган. Масалан, архив маълумотларига кўра 1850 йилларда Қашқадарё вилоятида оилавий ҳунармандчилик корхоналари мавжуд бўлиб, уларнинг маҳсулотлари ҳатто шаҳар доирасидан чиқиб, бутун Ўрта Осиёга тарқалган. Шу йилларда Қашқадарё вилоятида 1053 та оилавий ҳунармандчилик корхоналари мавжуд бўлиб, уларнинг деярли 65 % тўқимачилик билан шуғулланишган, ўша даврда транспортнинг асосий шакли от-улов бўлганлиги боис, эҳтиёжга мувофиқ корхоналарининг 20 % ни эгарчилик ташкил этган.

Мустақилликдан олдин оила хўжалиги шароитида ишлаб чиқариш асосан мавжуд эмас эди, яъни фуқароларнинг оилавий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишига йўл қўйилмаган. Республикамизда ўтказилаётган бозор ислохотлари ишлаб чиқариш шаклининг бундай аънанавий кўринишини тиклай бошлади. Бугун улар оилавий корхоналар, хонадон цехлари ва микрофирмалар деб ҳам юритилмоқда. Бу тўғрида мамлакатимиз Президенти “Йирик корхоналарнинг буюртмалари асосида майда бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган янги корхоналар ташкил этиш, **хонадоиларда майда хусусий цехлар очишни рағбатлантириш**” зарурлигини айтиб ўтдилар. Бунда тадбиркорлар ўз меҳнатига, оила аъзолари меҳнатига ва ёлланма меҳнатга таяниб, ариза бериш асосида давлат рўйхатидан ўтиб фаолият юритмоқдалар.

Республикамизда оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши учун етарлича шароитлар яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, “Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш тўғрисида” ги, “Фермер хўжаликлари тўғрисида” ги, “Деҳқон хўжаликлари тўғрисида” ги, ва 2000 йил 25 майда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолиятлари

эркинлигининг кафолатлари” тўғрисидаги қонунлар хусусий мулкга ва оила мулкига таяниб иш юритувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришда хизмат қилмоқда. Аммо, ҳозирги иқтисодий муҳит алоҳида “Оилавий тадбиркорлик фаолияти ва уни қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиниши ҳам юқоридаги муаммоларни бартараф этишга хизмат қилмоқда. Ушбу қонун ислохотлар жадаллашишида, энг муҳими, оилалар фаровонлигини оширишда муҳим қонуний асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу ўринда бизнинг фикримизча, жамиятда тадбиркорлар сони бутун аҳолига нисбатан эмас, балки оилалар сонига нисбатан ҳисоблаш ҳар томонлама мақсадга мувофиқ келарди. Чунки ҳар бир оилада тадбиркор бўлишига эришсагина бутун аҳолининг фаровонлигини таъминлашга муваффақ бўламиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлиснинг иккинчи чақирик биринчи сессиясида сўзлаган нутқида: “Оилада ҳеч бўлмаса битта киши бизнес билан шуғулланса, оила иқтисодий жиҳатдан бой бўлади” деб таъкидлаган эди. Демак, оилавий тадбиркорлик келажакда иқтисодиётнинг муҳим соҳасига айланади. Шу муносабат билан, шаҳар ва қишлоқларда қуйидаги йўналишлар ҳаётга тадбиқ этилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- мамлакатимизда анъанавий хизматлар турларини ривожлантириш, айрим бугунги кун талабига жавоб берадиган, аммо унитилиб кетилган хизмат турларини излаб топиш ва уларни тиклашни рағбатлантириш;

- миллий хунармайдчилиқни ривожлантириш йўналишидаги оилавий корхоналарни имтиёзли кредит билан таъминлашни йўлга қўйиш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, хизмат соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, бандлик муаммосини айниқса, хотин-қизлар, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, оилаларнинг даромадини сезиларли даражада кўпайтириш, бутун мамлакатимиз аҳолисининг

фаровонлигини ошириш имконияти яратади. Бу бириичидан, аҳолини иш билан таъминлаш орқали оилаларнинг муҳим даромад манбаи ва мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асоси бўлса, иккинчидан, мамлакатимиз бозорини хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш орқали аҳолининг турмуш даражасининг ошишига сабаб бўлади.

I боб бўйича хулоса

Ушбу бобни тадқиқ қилиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. “Оила”, “оилавий тадбиркорлик” категориялари бир-бирига боғлиқ бўлган мустақил тушунчалардир. Бунда оила фақат истеъмолчи сифатида бир гуруҳ уюшган кишилардан таркиб топган ижтимоий субъект бўлса, оилавий тадбиркорлик иқтисодий жараён бўлиб фақатгина оила негизида шаклланади ва ривожланади;

2. Оилавий тадбиркорлик ҳам ўзига хос тадбиркорлик бўлиб, оила мулкига, ишлаб чиқариш воситаларига, оила аъзоларининг меҳнатига ва тадбиркорлик фаолияти натижасида оладиган даромадига эгалик қилиш ҳуқуқига эга. Тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, келажакда хўжалик юритишнинг оилавий тадбиркорлик шакли иқтисодий муносабатларнинг асосий субъектига айланади.

3. Республикамизда 2001 йилдан эътиборан, ҳар бир оила аъзоси ўзларининг олган даромадлари тўғрисида “Умумий даромадлар декларацияси”ни солиқ идораларига топширадилар. Аммо бу ҳолат бизнинг фикримизча бугунги кунда етарли эмас. Чунки, кўпгина оила аъзолари даромад олиши мумкин, лекин ҳаммаси ҳам декларация топширмайдилар. Шу туфайли оиланинг ҳақиқий даромадини белгилаш “Оилаинг умумий даромадлари декларацияси”ни тузишни ва уни солиқ идораларига топширишни мажбурий қилиб қўйишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришдан республикамиз қуйидаги манфаатларни кўради:

1. Янги иш жойлари ва корхоналар бунёд этилади.

2. Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми ошади. Оилалар даромадлари таркиби ўзгармоқда—тадбиркорликдан олинаётган даромадлар аҳоли ялпи даромадларининг ярмидан зиёдини ташкил этмоқда. Ҳолбуки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида бу кўрсаткич ўртача 20-25 фоиздан ошмайди.

3. Мамлакатда янги хизматлар бозори пайдо бўлади.

4. Худудий инфратузилма ва хизмат кўрсатиш объектлари ислоҳ қилинади.

5. Хизмат соҳасига оид янги касблар ўрганилади ва бошқалар.

Ушбу манфаатлар эътиборга олиниб, хизмат соҳаси ислоҳ қилинди.

II боб. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАР ВА УЛАР ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

\

1. Хизмат соҳаси билан шуғулланадиган оила хўжаликларида мулкӣй таъминланганлик ва тадбиркорлик даромадларининг шаклланиши

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида оилалар ўз мулки ҳисобидан даромадларини кўпайтириш мақсадида фаол фойдаланишга интилиши ҳаётӣй заруриятга айланмоқда. Бироқ, оила хўжалиги ихтиёридаги мавжуд мулкдан даромад олиш мақсадида фойдаланиш ҳамиша ҳам муваффақиятли кечавермайди.

Оилалар иқтисодӣй ахволи, бандлик ва оила даромади кўп жихатдан умумӣй макроиқтисодӣй муҳитга ҳам боғлиқ деб ўйлаймиз. Чунки ислоҳотлар давомида республикаимиздаги макроиқтисодӣй вазиятнинг динамик ўзгариб бориши, оилаларнинг тадбиркорлик фаолиятига жалб этилиши шарт-шароитларини ҳам ўзгартириб бормоқда. Умуман олганда, ҳозирги пайтда макроиқтисодӣй муҳит ўтган йиллардагига нисбатан бизнес юритиш учун анча қуллайлалашди, инфляция суръатини пасайтириш ва уни 2006 йилда 6,8 % га олиб келиш имконини берди.

Ўзбекистонда оила хўжаликларида мавжуд мулкларнинг умумӣй қиймати экспертлар томонидан тахминан 35 млрд. АҚШ долларига тенг, деб баҳоланган. Бу мулклар таркибида оила хўжаликларининг шахсий уй-жойлари салмоқли ўрин эгаллайди (1.1-жадвал). Республикаимизда деярли барча оилалар шахсий уй-жойларига эга. Бироқ, уларнинг ишлаб чиқариш воситалари шаклидаги мулклари ўта кичик (1.2-жадвал). Ҳозирги иқтисодӣй вазият асосӣй эътиборни мулкни тадбиркорликка инвестициялашга қаратишни талаб этмоқда.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, оила хўжаликлари асосан даромад келтирмайдиган активлар билан таъминланиши юқори бўлган. Даромад келтирадиган мулклардан бири шахсий томорқаси 83,2 % аҳолида мавжуд, йирик шохли моллар

аҳолининг 47,7 %да бор холос. Юк ва енгил автомашиналар кузатилган оилаларнинг 9,0 %дагина мавжд. Кўриниб турибдики, оилалар мулкининг асосий қисмини даромад келтирмайдиган мулклар ташкил этади.

1.1-жадвал.

Кузатилган оила хўжаликларининг мулкӣ таъминланганлик даражаси

Т/Р	Мулк турларини ифодаловчи кўрсаткичлар	Оила хўжаликлари сони, та	Таъминланганик даражаси, % да
1	Уй - жой ёки квартира	1095	97,6
2	Томорқа участкаси	934	83,2
3	Йирик шохли қорамол	536	47,7
4	Юк ва енгил автомобиллар	101	9,0

Манба: 2013 йилда Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси томонидан кузатилган оила хўжаликлари маълумотлари асосида тузилди.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, оила мулки таркибида улуши энг баланд (97,6 %) бўлган уй-жой ресурсларидан кам фойдаланилмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири бизнес учун мослашмаган уй-жойлардан фойдаланиш имкониятлари унча кўп эмас. Шаҳардаги квартиралардан фақат ижарага бериш ёки савдо нуқталарини очиш мумкин холос. Оила мулкининг қолган қисмидан фақат даромад олиш мумкин бўлган мулк турларидан, яъни транспорт воситалари билан аҳолига ҳизмат кўрсатишда кенг фойдаланилмоқда. Шунингдек, уйда боқиладиган парранда ва чорва молларига жалб қилинган маблағлар ҳам оилаларга пул даромади келтиряпти.

1.1-жадвал маълумотлардан кўриниб турибдики, оилаларга даромад келтирмайдиган мулкларга энг аввало унинг кучмас мулки (уй-жой ва бошқа иншоотлар) тўғри келмоқда. Агар у оила эҳтиёжидан ортиқча

бўлмаса, албатта, уни ижарага бериб бўлмайди. Фақат оила аъзоларининг фойдаланиши эса, оилага даромад келтирмайди. Бу каби мулкларга телевизор, совуткичлар ва бошқа маиший техника буюмлари киради. Чунки булар оила учун даромад манбаи сифатида ишлатилмайди.

1.2- жадвал

Оила хўжаликларининг узоқ муддатли фойдаланиш воситалари билан таъминланганлиги

Т/Р	Воситалар номи	Оила хўжалиги сони	%да
1	Музлаткичлар	491	43,8
2	кир ювиш машиналари	240	21,4
3	Чангютгич	54	4,8
4	Радиоалоқалар	52	4,7
5	рангли телевизор	517	46,1
6	оқ-қора телевизор	578	51,5
7	Магнитофон	253	22,6
8	видеомагнитофон	109	9,7
9	видео камера	47	0,6
10	фотоаппарат	47	4,2
11	велосипед	127	11,3
12	спутникли антенна	11	1
13	тикиш машинаси	465	41,4
14	шахсий компьютер	822	73,2

Манба: 2013 йилда Қашқадарё вилоят статистика бошқармаси томонидан кузатилган оила хўжаликлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Оғзаки сўровларга кўра, оиладаги мулкдан даромад олишга уринган оилаларнинг аксарияти ўз фаолиятларини муваффақиятли деб ҳисоблашади. Бундан ташқари, ўз мулкани капиталга айлантиришни истаган оилаларнинг 50 фоизи бунинг учун маблағга муҳтож эмаслигини таъкидладилар. Шунга қарамай, кўпгина оилалар ўз мулкдан ҳалигача тўғри фойдаланишмаяпти. Бу қулай макроиқтисодий муҳит оилаларга ўз

мулкларидан тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш имконини бермаяпти. Сўралган оилалар ичида оила ресурслари базасида оилавий тадбиркорликни ташкил қилиш истагида бўлганлар буни амалга оширганларга қараганда икки барабар кўпни ташкил қилади. Бундан кўринадик, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган омиллардан энг асосийси молиявий омилдир. Чунки оилаларнинг кўпчилиги бунинг учун етарли молиявий манбага эга эмаслигини маълум қилишади. Бунинг далили сифатида ўтказилган сўровларга кўра, тадбиркорликни фаолиятини бошламоқчи бўлган оила камида 1,5-2 млн. сўм маблағ жалб қилиши керак бўлади. Жамгарма шаклидаги бундай маблағга сўралган оилаларнинг 60-70 фоизи эга холос, 30-40 фоиз оилалар эса умуман жамғармаларга эга эмас. Демак, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда микрокредит уюшмаларининг ролини ошириш талаб этилади.

Мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мавқеини тўғри англаган ҳолда, шу соҳани молиявий қўллаб-қувватлашда 2006 йилнинг сентябр ойида амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг “Микромолиялаш тўғрисида”, “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги қонунлари ва Адлия вазирлигида 2002 йил 3 июнда 1146-рақам билан давлат рўйхатига олинган “Тижорат банклари томонидан иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси кредит линиялари ҳисобидан оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида”ги Низомларнинг аҳамияти катта бўлди. Ушбу меъёрий ҳужжатлар оилавий тадбиркорлик субъектларини банклардан имтиёзли кредитлар олиш жараёнини соддалаштиришга ва осонлаштиришга хизмат қилмоқда. Хусусан, 2013 йил якунига кўра маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирларнинг амалга оширилгани экспорт фаолиятига 450 дан зиёд янги корхонани жалб этиш имконини берди. Бу борада Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида барча

худудларда ўз филиалларига эга бўлган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ташкил этилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.[40]

Шунингдек, сўнгги йилларда республикамізда халқаро молия институтлари ёрдамида оилаларни гуруҳли молиялаш каби уларнинг тадбиркорлик фаолиятларига молиявий кўмак берувчи ёрдам шакллари ҳам ривожланыпти. Ўтган қисқа вақт ичида мамлакатда 14 та кредит уюшмалари ташкил этилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги “Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг кичик бизнесни тўлиқ ривожлантириш Япония-Ўзбекистон дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 201-сонли қарорига асосан, кичик бизнесни тўлиқ ривожлантириш Япония-Ўзбекистон дастурини амалга ошириш учун икки босқичда 20,0 млн. АҚШ долларида жами 40,0 АҚШ доллари миқдоридаги кредит линияси очилган.

Ушбу меъёрий ҳужжатларга кўра, ҳар бир имтиёзли кредит турлари алоҳида - алоҳида мақсадлар учун ва алоҳида шартлар асосида ажратилади. Хусусан: оилавий тадбиркорлик субъекти имтиёзли кредит (микрокредит) олиш учун оиланинг камида битта аъзоси ижтимоий суғурта жамғармасига ва пенсия жамғармасига мажбурий баддалларни ўтказиб бораётган бўлиши лозим.

Оилавий тадбиркорликка бериладиган кредитлар энг кам иш ҳақининг 150 бараваригача бўлган миқдорда қуйидаги:

- чорва моллари, парранда, ем ва ҳашак, минерал ўғитлар, уруғликлар, кўчатлар сотиб олишга;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун иссиқхоналар қуриш ва жихозлашга;
- хунармандчилик фаолияти, халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати буюмлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун зарур бўлган кичик ускуналар, асбоблар, хом ашё материаллари, ярим таёр маҳсулотлар сотиб олишга;

- халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва аҳолига маиший хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ мақсадларга берилади.

Оилавий тадбиркорликка микрокредитлар 2 йилгача муддатга қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқсиз, жисмоний ёки юридик шахсларнинг кафолат хатлари ёки мулкни гаровга қўйиш шарти билан бериляпти.

Оилавий тадбиркорликка бериладиган микрокредитнинг 50 фоизи чорва моллари, паранда, омихта ем, уруғлик ва кўчат, ускуна ва материалларни жисмоний шахслардан сотиб олиш учун нақд пулда ҳам берилиши мумкин. Микрокредитнинг нақд пулда берилган қисми нақд пулда қайтарилиши лозим. Микрокредитни қайтаришнинг имтиёзли даври 6 ойни ташкил этади.

Ҳозирги кунда ҳам микромолиялаштириш кўп мамлакатларда қуйидаги инструмент сифатида фойдаланилади:

- кам таъминланган оилаларни қўллаш;
- оммавий молия манбааларга мурожаат қилишга имконияти йўқ бўлган микрокорхоналарга молия - кредит хизматлари кўрсатиш;
- кичик бизнесни қўллаб - қувватлаш.

Бизнинг фикримизча, оила - молия институтлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- оила хўжалиқларининг ресурсларини уларнинг ўз тадбиркорлик фаолиятларига жалб этишни кучайтиришга йуналтирилган сиёсатни амалга ошириш билан бирга кредит тизимини ривожлантириш;
- оилавий тадбиркорликни ривожланиши учун қулай имкониятлар яратиш мақсадида тадбиркорлик ва мулкчилик ҳуқуқларига оид тўпламлар яратиш ҳамда, гаровга қўйилган мулк ёки оила активларини сотиб олиш ҳуқуқига қатъий амал қилишни таъминлаш;
- ёш оилаларнинг кредитлар олиш имкониятларини янада кенгайтиришга кўмаклашиш зарур. Бу эса оиланинг мулкый таъминланганлик даражасини

оширишга хизмат қилади.

Бундай чора-тадбирларнинг амалда қўлланилиши, оилада тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар улушини ошириш, турмуш даражаси ва ижтимоий мақомини ўзгартириш имкониятларини яратиб беради.

Ҳозирги даврнинг яна бир муҳим белгиси-бу тадбиркорлик даромадининг оила ялпи даромадидаги ҳиссасининг узлуксиз ошиб боришидир. “Аҳолининг даромадлари ошибгина қолмай, уларнинг манбалари ҳам ўзгармоқда. Барча даромадларнинг қарийб чорак қисми тадбиркорлик фаолиятдан тушмоқда”.[8]

Келажакда ҳар бир оила эҳтиёжининг камида 50 фоизини айнан шу фаолият ҳисобига қопланишига эришиш лозим бўлишига эришиш бизнинг бош ғоямиздир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида сўзлаган нутқида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш асосан 3 муҳим вазифани бажаришга қаратилган бўлиши кераклиги алоҳида қайд қилинди. [21]

Биринчидан, яқин 5-10 йилда уларнинг мамлакат *ЯИМ* даги улуши 50-60 % га кўтарилиши лозим;


Иккинчидан, улар аҳоли даромадларининг асосий манбаига айланишлари керак;

Учинчидан, улар кичик ва ўрта мулкдорлар синфини шакллантириши, мамлакатда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий барқарорликни таъминловчи асосий куч эканлигини эсдан чиқариш керак эмас.

Бизга маълумки, кичик тадбиркорлик фаолиятини юритиш мамлакатдаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда муҳим ўрин тутмоқда. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш энг аввало оилалар даромадини кўпайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ даромадлар - мулк, тадбиркорлик, шу жумладан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш ва турли хил хизматлар кўрсатиш

ҳисобига олинган даромадлардан ташкил топади. Бугунги кунда оила даромадлари таркибида ушбу фаолият ҳисобидан қилинган даромадлар ҳиссаси узлуксиз ошиб бормоқда. Агар, республикамиз оилаларининг тадбиркорлик фаолияти натижасида олаётган даромадларига эътибор берсак у куйидагича эканлигини кўришимиз мумкин (1.1- расм).

Оилавий тадбиркорлик тўғрисида қонуннинг 16-моддасида фаолиятни амалга оширадиган жойларни яшаш жойига айлантириш талаб қилинмаслиги ҳам ушбу масалага ёрдам беради [8].




**1.1-расм. Оила ҳўжалигида тадбиркорлик даромадлари динаимкаси.
(фоиз ҳисобида)**

Ушбу расмдан кўриниб турибдики, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ даромадлар оила даромадлари таркибида йилдан-йилга кўпроқ улушга эга бўлмоқда. Умум ҳисобда, бу манбалардан олинаётган даромад иш ҳақидан кўпроқ, бу эса бозор муносабатларининг ривожланиш даражаси билан изохланади.

Оила даромадлари таркибида салмокли ўрин тутадиган манбалардан яна бири бу томорқа ҳўжалигидир. Томорқа, бозор муносабатлари шароитида, айниқса қишлоқ оиласининг муҳим даромад манбаи ҳисобланади ва шу билан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ўз

ҳиссасини кўшади. Бу даромад турли оилаларда ҳар хил бўлиши турган гап, чунки улар томорқа билан ҳар хил даражада шуғулланишади.

Хизмат соҳаси билан шуғулланадиган оилаларда даромадларининг ташкил топиш манбааларини таҳлил қилиш мақсадида Қашқадарё вилоятининг турли ҳудудларидан 135 та хизмат кўрсатувчи оиланинг танланма кузатуви олиб борилди. Булар қуйидаги хизмат соҳалари бўйича олиб борилди: савдо хизматлари (чакана савдо, миллий ошхона ва ресторанлар); миллий ҳунармандчилик ва таъмирлаш устахоналари; компьютер ва ахборот технологиялари хизматлари (интернет кафе, кичик босмахона ва уяли алоқага уланиш каби хизмат турлари); транспорт хизматлари (юк ташиш ва аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш); сартарошхона ва гўзаллик салонлари (келинлик либослари ва тўй ускуналарини ижарага бериш ва б.). Кузатилган оилаларнинг ўртача таркиби 4,3 кишини ташкил этди. Кузатилган оила хўжалиги даромадларининг 2013 йил март ойидаги таркибий тузилишини 1.4-расмда кўриш мумкин.



1.2- расм. Кузатилган оилаларда даромадларнинг улуши, (%)

Ушбу расм маълумотларидан кўриниб турибдики, хизмат соҳасида банд бўлган оила хўжаликларининг пул даромадида 11,8 фоизини меҳнат ҳақи олиш билан олинадган даромадларга тўғри келмоқда. Оила хўжалигининг ижтимоий тўловлар ҳисобига олган даромадлари 3,9 фоизга

тўғри келади. Оила хўжалиги даромадларининг анча қисмини тадбиркорлик (мулк, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш ва бошқа турли хил хизматлар) ҳисобига олган даромадлари ташкил этади. Умуман оила хўжалиги даромадининг 84,3 фоизи шу йўл билан олинган даромадларга тўғри келади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, оиларнинг моддий жихатдан фаровонлиги кўп жихатдан тадбиркорлик фаолияти ҳисобига олинадиган даромадларга боғлиқ бўлади. Шундай экан унинг улуши йилдан-йилга ўсиб бориши лозим.

Оила хўжалиги харажатларининг таҳлили ҳам бозор муносабатлари шароитида муҳим аҳамиятга эга. Харажатлар ҳам даромадлар сингари турлича бўлиб, улардан энг салмоқлиси оиланинг истеъмол харажатларидир. Бу харажатлар таркиби йилдан йилга ўзгариб бормоқда .

Маълумотларнинг кўрсатишича, оила харажатларининг салмоқли қисми озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишга сарфланган. Унинг улуши 2011 йилда ўртача ойлик 90,7 фоизни ташкил қилган бўлса, 2013 йилда 87,1 фоизни ташкил этган. Аҳолининг турмуш даражаси яхшиланиб бориши билан бу кўрсаткичнинг миқдори камайиб бориши лозим. У ҳолда нооziқ-овқат маҳсулотлари харид қилишга сарф қилинадиган харажатлар миқдори ошиб боради. Ҳозирги шароитда умумий харажатларда унинг миқдори 2011 йилда 9,3 фоиз бўлган бўлса, 2013 йилда 12,9 фоизга ошган.

Истеъмол харажатлари таркибида хизматларга бўлган харажатлар йилдан-йилга ўсиш ижобий тенденцияси кузатилмоқда. Буларга ҳаётий зарур бўлган эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ бўлган харажатлар: уй-жой коммунал хизматларини тўлаш, транспорт ва соғлиқни сақлаш, таълим харажатлари киради. Ижтимоий мажмуа тармоқлари фаолиятини пуллик хизматлар кўрсатиш асосида кенгайиши, шу жумладан, уй-жой коммунал хўжалигида дотацияларнинг қисқариши (иситиш, электрэнергия, газ тармоқлари ва сув таъминотида тарифларнинг ўсиши)

натижасида 2011 йилда оилаларнинг хизматлар тўлови бўйича харажатлари 11,6 фоиздан 2013 йилда 18,4 фоизгача ўсишига олиб келган.

Харажатларнинг ўсиши авваломбор, шаҳар аҳолисини уй-жой-коммунал хизматларига харажатларини ўсганлиги билан боғлиқ деб ҳисоблаймиз. Хизматларга ҳақ тўлаш, оилалар фаровонлигининг ошиши билан янада кўпайиб боради.

2. Оилавий тадбиркорликда даромадларнинг фарқланиши ва уларга таъсир этувчи омиллар

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида изчил олиб борилган иқтисодий ислохотлар, хусусан мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг натижаси ўлароқ жамият аъзоларининг мақоми ўзгарди. Жумладан, тадбиркорлар, фермерлар ва ижарачилардан иборат янги ижтимоий гуруҳ ҳамда, илгари ҳам мавжуд бўлган ишчи ва хизматчиларни ташкил этмоқда. Бундай ижтимоий гуруҳланиш оилалар даромадининг фарқланишига олиб келди. Чунки, бу гуруҳга мансуб оилаларнинг даромад олиш манбалари турлича. Масалан, ишчи ва хизматчилар оиласи даромади асосан меҳнат даромадларидан ташкил топса, деҳқон оиласи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириб сотиш ва натура шаклидаги даромадлардан, пенсионерлар оиласи даромади эса, пенсия ва ижтимоий тўловлардан иборат бўлиб, уларнинг турмуш тарзи шу даромадларнинг миқдорига боғлиқ бўлиб қолмоқда, ва нихоят тадбиркорлар оиласининг даромадлари тадбиркорлик фаолиятидан, мулкни ижарага бериш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан ва турли хил хизматлардан олинади.

Ҳозирги кунда ҳам Республикамиз оилаларининг ижтимоий гуруҳланиши изчил давом этмоқда. Мавжуд ижтимоий гуруҳлар янги гуруҳга тадбиркорлар тоифасига кириб, турли хил мулкдорлар қатламлари шаклланаётганлигидан далолат бермоқда.

Ўтиш даврининг дастлабки йилларида аҳоли реал даромадларини мамлакат миқёсида пасайиб кетиши барча ижтимоий гуруҳларга хос эди. Кейинги йилларда хусусий мулк асосида тадбиркорликни ривожланиши натижасида оила даромадларининг ўсиши кузатилмоқда.

Бугунги кунда давлат бюджетидан оилаларнинг 20 турдаги имтиёзлардан фойдаланиб келаётганлиги, ҳамда ўндан ортиқ давлат ижтимоий дастурлари қабул қилинганлиги республикада кучли ижтимоий сиёсатнинг фаол кечаётганлигидан далолат беради. Бу ижтимоий тўловлар 2013 йилда оилалар пул даромадининг 15,2 % фоизини ташкил этмоқда. Бунинг натижасида, оилалар фаровонлигининг яхшиланиши, ижтимоий муҳофазаси, бандлик, соғлигини яхшиланиши таъминланмоқда, аҳолининг таълим, маданият, касбий малакасининг юқори даражаси, аҳоли даромадларининг даражаси ўртасидаги тафовутларни камайтиришга ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Кўриниб турибдики, ҳукуматимиз ёрдамга муҳтож оилаларга турли йўналишларда керакли даражада имтиёзлар бериб бормоқда. Бундай ижтимоий сиёсат келажақда ҳам давом этади.

Бозор иқтисодиётининг муҳим бир белгиси бу оила даромадларининг бир-биридан фарқланишидир. Маълумки, собиқ иттифоқ даврида оила даромадларини тенглаштиришга интилишлар бўлди. Бунга мувофиқ оила даромадлари ўртасидаги фарқларнинг камайиши ютуқ деб қаралди ва бой бўлишни ман этди. Ушбу ҳол даромад манбаларининг кўп ҳолларда сунъий чекланишига сабаб бўлди, чунончи 1989 йил маълумотларига кўра оилаларнинг 44,5 % кам таъминланган, ёхуд ночор катламни ташкил этди. Бироқ, бозор иқтисодиёти қонуниятлари бундай тенгликни инкор этади. Чунки аҳоли даромадини тенглаштириш меҳнатга бўлган муносабатни ва тадбиркорлик қобилиятларини сусайтиради. Бу эса, ўз навбатида иқтисодий ўсишни рағбатлантирмайди.

Оила хўжалиги даромадларини тадқиқ қилиш учун қандай йўналишлар бўйича табақаланишини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Чунки ҳукуматимизнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати, аҳолини ижтимоий жиҳатдан кучли ҳимоя қилиш тамойили учун қилинган меъзон айнан оила хўжалиги даромадларининг табақаланишига асосланган.

Тадқиқотларимиз кўрсатмоқдаки, оила хўжалиги даромадлари табақаланишига қуйидаги омиллар таъсирини ҳисобга олиб изланишлар олиб бориш мақсадга мувофиқдир:

- шаҳар ва қишлоқ оилалари ўртасида;
- тармоқлар ва ҳудудлараро иш ҳақи даромадларининг фарқланиши;
- оилаларнинг ижтимоий гуруҳланиши бўйича (ишчи, хизматчи, деҳқон, пенсионер ва тадбиркорлар оиласи);
- оилалар даромадининг таркибий тузилиши бўйича (меҳнат даромадлари, мулк, тадбиркорлик ва турли хизматлар кўрсатиш ҳисобига олинган даромадлар, нафақа, пенсия, ва степендия олувчилар даромадлари, қишлоқ хўжалиги, маҳсулотларини етиштириб уларни сотишдан олинадиган даромадлар ва ҳ. к.);
- оила даромадини ишлатиш, яъни харажат қилиш бўйича (озик-овқат маҳсулотлари ва ноозик-овқат маҳсулотлари сотиб олишга, хизматлардан фойдаланишга, тадбиркорликка инвестиция қилишга ва ҳ. к.);
- ижтимоий ҳимояга мухтож оилалар билан юқори даражада таъминланган оилалар даромади бўйича.

Бирок, республикамызда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат аҳоли, хусусан, оилалар пул даромадлари зфатасидаги фарқни қйсқартира боришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Оила даромадларининг фарқланишини тадқиқ қилишда, унинг конкрет регион, турар - жой мавзеси ва алоҳида оила учун ўзига хослигини ҳисобга олиш зарур. Масалан, Қарши шаҳридаги турмуш тарзи ва даромад манбалари билан Деҳқонобод ва Чироқчи туманидаги шарт-шароитлар турлича. Умуман, шаҳар ва қишлоқнинг ўзига хослигини

ўрганиб, шунга қараб оилаларнинг иқтисодий ночор ёки фаровонлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин бўлади.

Оилалар даромадининг таркибий тузилиши ва тақсимланиши ҳам даромадлар фарқланишида муҳим омил бўлиб ҳисобланади. (2.1-жадвал)

2.1-жадвал

Кузатилган оила хўжаликларининг 2013 йилда олган бир ойлик даромадлари таркиби ва тақсимланиши

№	Даромад турлари	Жами даромаддаги улуши, %	Ўртача оила хўжалигига, сўм	ўртача жон бошига,
1	Меҳнат даромадлари	16,9	59300	12355
2	Ижтимоий тўловлар (пенсия, нафақа, стипендия ва б.)	11,6	40324	8401
3	Тадбиркорлик даромадлари	44,6	155937	32487
4	Таниш, қариндошлар ва алиментлардан	12,6	44071	9182
5	Натурал кўринишдаги даромадлар	14,3	50000	10418
	Жами:	100,0	349632	72838

Манба: 2013 йил давомида Қашқадарё вилоятида кузатилган 135 та оила хўжалиги маълумотлари асосида ҳисобланди.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, кузатилган оила хўжаликларининг ялпи даромади ўртача 349632 сўмни ташкил этиб шундан, 59300 сўми ёки 16,9 фоизини меҳнат ҳақи олиш билан олинadиган даромадларга тўғри келмоқда. Оила хўжалигининг ижтимоий тўловлар ҳисобига олган даромадлари 40324 сўм ёки 11,6 фоизга тўғри келади. Оила хўжалиги даромадларининг анча қисмини тадбиркорлик

(мулк, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш ва бошқа турли хил хизматлар) ҳисобига олган даромадлари ташкил этади. Умуман оила хўжалиги даромадининг 155937 сўми ёки 46,5 фоизи шу йўл билан олинган даромадларга тўғри келади. Таниш, қариндошлар ва алиментлардан тушган даромадлар 44071 сўм ёки 12,6 фоизни ташкил этади. Натурал кўринишдаги даромадлар эса 50000 сўм ёки 14,3 фоизни ташкил этган.

Оила хўжалиги харажатлари ҳам даромадлар тақсимланишида муҳим аҳамиятга эга. Харажатлар энг аввало аҳоли шахсий истеъмолига хизмат қилади. Шу сабабли оила даромадлари асосан, икки фондни ташкил этади, бу истеъмол ва жамғариш фондидир. Биринчидан, фонд жорий истеъмол харажатларини молиялаштиришга юборилади. Иккинчидан, инвестиция ресурсларини ҳосил этади. Бу фондларнинг миқдори ва нисбати даромаднинг умумий миқдorigа боғлиқ. Даромад қанчалик кўп бўлса, у шунчалик кўпроқ истеъмол харажатларидан ортиб қолади, шунга қараб кўпроқ жамғариш ҳосил бўлади.

Маълумотларга кўра, республикамизнинг айрим вилоятларда хусусан, Қашқадарё вилоятида оила аъзоларининг ўртача ёши 25,6 ни, ёши жиҳатидан ишга яроқлилар 55,1 % ни, иш билан бандлар 36,5 %, ишсизлар 14,9 % ни ташкил этади. Катта ёшдагилар бир қисмининг ишсизлигини, улар орасида қариялар борлигини ҳисобга олсак, пултопарларга кўп миқдорда боқимандалар тўғри келади. Республикамизда шундай оилалар ҳам борки, оиладаги ишламайдиганлар истеъмоли жами истеъмолнинг (натурал истеъмолни ҳисобга олмаганда) ҳатто 55-60 % ни қамраб олади.

2013 йилда кузатилган 135 та хизмат соҳалари билан банд бўлган оилаларда пул даромадларининг жон бошига ўртача тақсимланиши ушбу оилаларнинг фаолият тури бўйича 1.2- расмда келтирилган. Мазкур маълумотлардан келиб чиқиб, жон бошига энг кам даромад тўғри келган оила ва энг кўп даромадли оилалар даромади ўртасидаги фарқ

ҳисобланганда 2,2 мартани ташкил этмоқда. Ушбу табақаланишнинг назарий жихатдан нормал ҳолати 8 мартани ташкил қилиши керак.

Ушбу таҳлилда яна битта жуда муҳим қонуният кузатилмоқда. Оила хўжаликлари даромадларининг ортиб бориши билан улардаги аҳолининг ўртача сони камайиб бормоқда. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, оила хўжалиги аъзолари сони қанча камайиб борса, уларнинг ўртача даромадлари шунча кўп эканлиги кузатилади.

Кузатилган оилаларда пул даромадларининг табақаланиши қишлоқ билан шаҳар ўртасида нисбатан фарқ қилади. Масалан, қишлоқ жойида аҳолининг бир оилага тўғри келадиган сони 6,2 кишини ташкил қилса, шаҳарда ушбу кўрсаткич 3,4 кишини ташкил қилади. Оилаларнинг иш ҳақи ҳисобига олган даромади 2012 йилда 30,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 28,6 фоизни ташкил этмоқда.

Статистик амалиётда аҳолини даромадлар бўйича табақаланишини ифодоловчи кўрсаткич сифатида Джин коэффicientsидан фойдаланилади. Бунда аҳолининг барча пул маблағлари унинг алоҳида гуруҳларида тақсимланади. Унинг улуши 0 ва 1 оралиғида бўлади. Даромадлар тенг тақсимланганда коэффicients 0 га яқинлашади. Агар, аксинча 1 га яқинлашса, жамиятда даромадларнинг тенг тақсимланмаганлигини билдиради.

Джин коэффicientsининг математик ифодаси қуйидаги кўринишга эга.

$$G = \frac{\sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^n (y_i - y_j)}{2 n^2 \bar{y}}$$

Бунда:

n - оила хўжалиги сони;

y - ўртача даромад;

y_{ij} - оила хўжалиги даромади

Ушбу формулани қўллашда биз ЭХМ да паскал тилидан фойдаландик ва Лоренц эгри чизиғида оила хўжалиги даромадларининг табақалашувини ифодаладик (2.1- расм)

```

program sum;

Uses Crt;

Const m=10;

var i,j,n:integer;

    G,xy:real;
y:array [1..m] of real;
begin clrscr;
read(n); for i:=1 to n do read (y[i]);
xy:=0; for i:=1 to n do xy:=xy+y[i];
xy:=xy/n;
G:=0; for i:=1 to n do for j:=i+1 to n do

G:=G+abs(y[i]-y[j]); G:=G/(2*n*n*xy);

write('Ycp=',xy:8:4,' G=',G:8:4);
end.

```


Ушбу формуланинг ҳаётийлигини текшириш учун унга қиймат берамиз.

5 50 55 60 65 70

$Y_{cr}=60.000$ $G=0.333$ (1)

5 90 95 100 105 110

$Y_{cr}=100.000$ $G=0.02$ (2)



2.2-расм. Лоренц эгри чизиғида оила хўжалиги даромадларининг табақалашуви

Лоренц эгри чизиғининг тўғри чизикдан узоқлашиши оилаларнинг табақалашувини билдиради. Лоренц эгри чизиғининг тўғриланиб, тўғри чизикга айланиши мумкин эмас ва аксинча тўғри чизикдан ўта узоқлашиши ҳам мумкин эмас, чунки бунда бой оилалар бойлиги ўта ортиб, камбагаллар янада ночор бўлиб қолиши мумкин. Демак, Лоренц эгри чизиғи тўғри чизикдан маълум масофада узоқлашуви мумкин экан. Ушбу табақаланишнинг нормал ҳолати 8 мартани ташкил қилиши керак. Ўзбекистондаги 10 % бой ва камбағал оилалар даромадидаги 2006 йилги фарқни ёйсимон чизик билдиради.

Бугунги кунда бозор қонуниятларини тез илғаб олган оилалар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, ўз даромадларини кескин кўпайтиришлари мумкин. Фақат меҳнат ҳақи олиш ва турли хил ижтимоий тўловлар олиш билан чекланиб қолган оилаларнинг яшаш тарзи нисбатан паст даражада қолмоқда. Бу жараён бевосита оила хўжалиги даромадларининг фарқланишига олиб келувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Лекин шу билан бирга жамиятимизда ўта бойлар ҳам, ўта камбағаллар ҳам бўлмаслиги керак. Бу муаммо мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди учун ҳам ўта муҳимдир. Зеро, бозор муносабатларини шакллантириш кўп корхоналарнинг тўхтаб қолишига янги иш ўринлари очишнинг имконияти чегараланишига, маблағларнинг етишмаслигига олиб келди. Бу эса ўз навбатида оила даромадларига ҳам маълум даражада таъсир қилмасдан қолмади.

Бизнинг фикримизча, хизмат соҳалари билан банд бўлган оилавий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада юксалтириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

Биринчидан, қишлоқ хўжалик хомашёсини қайта ишлаш, ҳалқ истеъмол молларини, қурилма материалларини таёрловчи хусусий кичик корхоналар ва оилавий тадбиркорлик субъектлари учун кенг шароитлар яратиш;

Иккинчидан, хизмат соҳасини, айниқса, қишлоқ жойларида ижтимоий-маиший ва қурилиш бўйича хизматлар турини янада кенгайтириш;

Учинчидан, ишдан бўшаган ходимларни қайта таёрлаш, касби бўлмаган шахсларга бозор талабига мос касблар ўргатиш, хусусан хизмат соҳаларига мос мутахассислар таёрлашга ёрдам бериш марказларини очиш.

3. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш имкониятлари

Ўзбекистон мустақилликка эришган даврдан буён кўп вақт ўтган бўлмасада ижтимоий-иқтисодий соҳаларда жуда кўп туб ўзгаришлар

содир бўлмокда. Булардан бири, таъкидланганидек, оилаларнинг оддий истеъмол қилувчи субъектдан хўжалик юритувчи субъектга айланиш жараёнидир.

Бу масалани таҳлил қилишда энг аввало биз хусусий мулк тўғрисида тўхталиб ўтишни жоиз деб билдик.

Ўзбекистонда хусусий мулк кичик ва ўрта корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар ва нихоят оилаларнинг мулкидан ташкил топади. Бу мулк таркиби икки хил мулкни ўз ичига олади. Бири тадбиркорлик фаолиятига хизмат қилиб капитал хосил қилади, пулдан пул чиқариб олишга хизмат қилади. Иккинчиси эса истеъмолга қаратилган мулк бўлиб, оиланинг эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади.

Биринчи турдаги хусусий мулкнинг объекти - ишлаб чиқариш воситалари ва уларга мўлжалланган пул маблағлари бўлса, иккинчиси мулкнинг объектга истеъмол буюмлари ва аҳоли истеъмол фондига хизмат қилувчи пул жамғармаларидир. Айтилган икки турдаги мулклар алохида - алохида шаклда бўлсада, уларнинг тадбиркорлар ихтиёрида қўшилиб кетиши юз беради, чунки тадбиркорлар бир томондан, капитал сохиблари бўлсалар, иккинчидан, истеъмолчилардир, яъни истеъмолга қаратилган мулк сохиблари ҳам ҳисобланадилар.

Маълумки, оила фаровонлиги - биринчи галда иш билан бандликка, кейин эса даромадларнинг истеъмол ва жамғармаларга қандай тақсимланишига боғлиқдир. Хусусан, оилаларнинг ўз даромадларини қандай тақсимлаш бўйича қарорлари, нафақат уларнинг ҳозирги ва кейинги фаровонлигини, балки бутун жамият фаровонлигининг ҳам қандай бўлишини белгилайди. Оилаларнинг истеъмол ва жамғармалари бўйича қарорлари, иқтисодий ўсиш суръатларига, савдо балансига, ишлаб чиқариш, хизматлар ҳажмига ва бандликка ҳам таъсир қилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, тадбиркорликни ривожлантириш ва рағбатлантиришга доир ҳуқуқий ва иқтисодий шарт - шароитларнинг

яратилиши аҳолига тадбиркор бўлиш ёки ёлланма ходим бўлиб ишлаш, маблағларни ишлаб чиқариш воситалари ва хизматларга, инвестицияларга ёки шахсий истеъмолга сарфлаш ўртасида англланган танловни амалга оширишга ёрдам бериши керак. Шу сабабли, бугунги кунда оила хўжалиги аъзолари томонидан ишлаб топилган жами пул даромадлари иккига тақсимланади. Биринчидан, истеъмол харажатларига ва иккинчидан жамғармаларга тақсимланади. Лекин буларнинг нисбати доимо ўзгариб туради. Буни И.Фишернинг[53] вақтлараро танлов модели ёрдамида кўриб чиқишимиз мумкин.

$$Y^{AS} Y^f = C = S. \quad (NB: Y^f = Y^{o/x} + Y^p).$$

Ушбу ҳолатда оила хўжалиги умумий даромади бизга маълум бўлади. Чунки даромад аввал ишлаб топилади ва сўнг тақсимланади. Бунда даромаднинг тақсимланиши унинг хажмига таъсир этмайди.

Ўзбекистон оилаларида кўпчилик истеъмолчилар истиқомат қилади. Агар 2011йилда ўртача бир хонадонда 4,8 истеъмолчи бўлса, 2013 йилда 5,1 истеъмолчи мавжуд. Шу жиҳатлари билан ўзбек оилалари катта оилалар жумласига киради. Кўриниб турибдики, бу ерда истеъмол харажатлари кўп бўлиб, у инвестицияни озиқлантирувчи жамғарманинг кичиклигига олиб келади. Оилалар асосий истеъмолчи бўлиб, яратилган товар ва хизматларнинг 3/2 қисмини, истеъмол товарларининг 9/10 қисми оилалар истеъмолига тўғри келади. Шу мақсадда, Оила хўжалиги ишлаб топган даромадининг қайси қисмини истеъмол учун ва қайси қисмини жамғаришга ишлатиш мақсадида жорий ва келгуси истеъмолдан танлайди ва қарор қабул қилади. Бу вақтда у вақтлараро бюджетнинг чегараланишига таянади.

Ушбу танлов муаммоси икки давр учун қаралади. Биринчиси, шартли равишда жорий, иккинчиси - келгуси истеъмолга.

Фараз килайлик биринчи даврда оила хўжалиги y_1 даромадга эга бўлиб, шундан истеъмол учун c_1 улуш сарфлайди. Иккинчи даврда кутилаётган даромад y_2 ва шундан истеъмолга c_2 улуш сарфланади.

Бу ҳолда, биринчи даврда жамғариш қуйидагича бўлади:

$$s = y, -c,$$

Иккинчи даврда оила хўжалиги ўз истеъмолини ишлаб топилган даромади устига биринчи даврдаги жамғармани иккинчи даврда оила хўжалиги ўз истеъмолини кенгайтириши мумкин. Бунга ушбу даврда ишлаб топилган даромадига биринчи даврдаги жамғармаси (фоиз тўловлари ҳам) қўшилади:

$$C_2 = y_2 + (1 + r)s$$

бу ерда r - реал фоиз ставкаси.

Оила хўжалигида харажатлар фақат истеъмолни қондириш учун эмас, балки пулдан пул чиқариб, янгидан даромад олиш учун ҳам юборилади. Маълумки, даромадларнинг ҳаммаси эмас, балки реал қўлдаги қисми сарфланади. Уларнинг бир қисми солиқларга ушлаб қолинса, бир қисми қайта ишлатиладиган асосий капиталнинг янғиланишига (амортизация, автомобил ва кўчмас мулкни таъмирлаш) бир қисми эса инвестицияларга ишлатилади. Бунда пул мулк ҳосил этиб, ундан даромад топиш учун ёки индивидуал бизнесга сарфланади ва бу тадбиркорлик килувчи жисмоний шахслар фаолиятида намоён булади. Мулк ҳосил этилганда, оила пули акция ва облигациялар ва кўчмас мулк сотиб олишга сарфланади, шу билан биргаликда, банкка омонат сифатида жойлаштирилади. Пул шу тарзда ишлатилади, истеъмол харажатларидан фарқлироқ, кредитдан фойдаланилмайди, чунки жамғарма қарз ҳисобидан юз бермайди, аксинча, у қўлга теккан даромад истеъмол харажатларидан ортиб қолганлигини билдиради.

Шу сабабли пулни инвестицияга юбориш кўп ҳолларда тадбиркор оилаларда учрайди. Даромади оз оилаларда пул жамғарилганда

эҳтиёжларни кондиритиш келажакка қолдирилади, чунки харид учун пул этишмайди, кредит олиш эса, хатарли бўлади. Пулда жамғариш ҳосил қилиш фақат даромад миқдори билан боғлиқ эмас, балки молиявий хизматлар тўғри йўлга қўйилганлиги ҳам, муҳим аҳамият касб этади. Кўпчилик оилаларда жамғарма миқдори кичик бўлиб, у капитал ҳосил этиш учун камлик қилади. Шу сабабли, уларни бирлаштириб, капиталга айлантириш акциялар сотиб олиш, банкга пул қўйишни талаб қилади. Демак, оила маблағлари фақат бозор орқали инвестицияларга айланиши мумкин. Бироқ, серкапитал бўлмаган индивидуал меҳнат фаолияти юз берганида, ёхуд деҳқон хўжалиги ташкил этилганда, оила хўжалигининг миқдори катта бўлмаган пул жамғармалари ҳам, иқтисодий оборотга кириб ҳаракатга келади.

Қуйидаги бир катор омиллар оилаларда жамғаришни тақозо этади:

1. Оила хўжаликлари камбағаллик хавфининг олдини олиш учун моддий шаклдаги жамғарма ҳосил этади.

2. Оила хўжалигида талабнинг кечиктирилиши пул жамғарилишини ҳосил этилади.


3. Оила хўжалиги иқтисодий муносабатларнинг фаол иштирокчиси сифатида даромадларнинг бир қисмини инвестициялаб, пулдан пул чиқаришга интилади.

4. Оилалар тадбиркорлик фаолияти (деҳқон хўжалиги, касаначилик ва б.) билан шугулланганда, уларни ривожлантириш учун пул жамғарилади.

Республикада иқтисодиётнинг бошқа субъектларидан фарқлироқ, оила хўжалигидаги жамғариш ишлаб чиқаришдаги моддий ресурсларни эмас, балки аҳоли қўлидаги молиявий активларни (акция, облигация сертификат), нақд пул, қўчмас мулк, айрим ноёб ва қиммат баҳо буюмлар ва натурал жамғарилиш шаклида ҳам юз беради (3.1 - расм).

Кейинги йилларда шу шаклларда оилада жамғаришлар кузатилмоқда ва натижада ҳаражатлардаги ҳиссаси ҳам ортиб бормоқда. Шундай экан,

жамғарма муҳим равишда истеъмолдан ортиб қолган тақдирда инвестиция ресурсига манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.



3.1-расм. Оила хўжалигида жамғариш шакллари таснифи

Биз қуйидаги жадвалда, Ўзбекистон оилаларининг истеъмол харажатлари ва пул жамғармалари таркибига назар ташлашимиз мумкин (3.3-жадвал). Ушбу йилларда аҳоли реал пул даромадларининг ўсиш тенденциялари оила харажатлари таркибида ва ҳажмида ижобий силжишларга олиб келган.

Бироқ, жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, аҳоли пул даромадларинингасосий қисми истеъмол товарларини харид қилишга сарф қилинган. 2000-2006 йилларда ана шундай харажатларга жами харажатларнинг улуши 85,5 % дан 73,6 % га камайганлигини кўриш мумкин. Демак, истеъмол харажатларининг йилдан-йилга камайиб бориш ижобий тенденцияси кузатилмоқда.

Оила хўжалиги харажатларининг яна бир қисми бу жамғариш сарфларидир. Оилалар бўш пул маблағларини банк депозитларига жойлаштириб, кредит ресурсларини ҳосил этмоқда ва иктисодиёт ривожига ўз хиссаларини қўшмоқда. Айниқса, 2004-2006 йилларда бу жараён анча шидатли тус олган.

3.1-жадвал

Ўзбекистонда оилаларнинг истеъмол харажатлари ва пул жамғармалари, (фоиз ҳисобида)

Йиллар	Аҳолининг пул даромадлари	Шулардан пул харажатлари			Нақд пул қолдиғи
		Истеъмол харажатлари	Мажбурий тўловлар	Банкларга қўйилган пуллар, сотиб олинган қимматбаҳо қоғозлар ва валюта	
2007	100	85,5	8,4	2,1	3,9
2008	100	85,7	9,0	2,2	3,0
2009	100	84,4	7,7	8,8	-1,0
2010	100	78,7	7,8	9,2	4,3
2011	100	76,9	7,8	14,3	1,0
2012	100	72,5	7,0	18,5	2,0
2013	100	73,6	6,9	17,4	2,1

Агар 2007-2010 йиллар мобайнида оилалар ўз пул маблағларини валютага айлантириб, унинг курси ўсишидан даромад кутган бўлса, 2011-2013 йилларда пулни банкларга қўйиб, фоиз олишга интилишлар кучайди. Оилаларнинг банкларга қўйган омонати, қимматбаҳо қоғозлар ва валюта сотиб олиш каби жамғармалари улуши 2011-2013 йиллар мобайнида 2,1 % дан 17,4 % га ўсган (3.1-жадвал). Уй хўжаликларининг жамғармалари ортиши ҳисобига жорий истеъмолни молиялаштиришнинг қисқариши аҳолининг жамғаришга мойиллигининг юқорилигидан ва инвестицион фаоллиги ортганлигидан далолат беради. Натижада, 2011 йилда оилаларнинг иқтисодиётга қўйилган инвестициялар таркибидаги улуши 8,3 мартага ортди. Кузатув натижаларига кўра оила инвестицияларининг асосий қисми шахсий уй-жойларни ва дала ҳовлиларни қуришга йўналтирилмоқда. Кейинги пайтларда оила даромадларининг уй-жой қурилишига инвестицияланишига интилишлар кучаймоқда. Бу эса

ноишлаб чиқариш соҳасидаги инвестициялар ортишига олиб келади. Шунини айтиш жоизки, кейинги йилларда уй жой қурилишига кетган капитал маблағларнинг 1/3 қисми уй хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Бунга аҳоли бой қатламларининг ҳашаматли уйлар қурилиши катта улуш қўшди.

Оила маблағларининг уй-жой қурилишига юбоирилиши социал муаммолар ечимига хизмат қилади. Бироқ, бу ноишлаб чиқариш соҳаси бўлганидан кўшимча иш жойларини ҳосил этиш ва аҳоли бандлигини оширилишини таъминламайди, иқтисодий ўсишга қаратилмайди, чунки у истеъмол мақсадини кўзлайди. Ваҳоланки, оила хўжаликлари даромадидан капитал ҳосил қилиш уни ишлаб чиқаришга ётқизиш, энг долзарб муаммо ҳисобланади, уни ҳал этиш молия институтларининг вазифалари бўлиши керак.

Оила хўжалиги иқтисодий ҳолати қандай бўлмасин, унда жамғаришга мойиллик бор, лекин бу турли даражада юз беради ва шунга қараб оилаларнинг жамғармалари фарқланади. Жамғариш имконини даромад ва харажатлар ўртасидаги фарқ яратади. У катта бўлса жамғариш кўп бўлади у кичик бўлса, жамғариш чекланади. Бу фарқ бўлмаса, жамғариш бўлмайди. Агар оиланинг харажатлари даромаддан ошиб кетса, қарзга яшалади ёки илгариги жамғарма сарфланади. Юқоридаги 3.3-жадвалда аҳолининг нақд пул қолдиги 2009 йилда 3,9 % ни ташкил қилган бўлса, 2011 йилда 2,1 % ни ташкил қилмоқда, Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, аҳоли қўлида пулнинг ўсишини ва нақд пул қолдиги 2009 йилда (-1,0 %) ни ва энг юқори 2011 йилда 4,3 % ни ташкил этган. Демак 2009 йилда аҳолии нақд пул қолдиги бўлмаган ёки ушбу даврда пул жамғармадан ортиб қолмаган. Бироқ, жамғармани инвестицияланмаган ва инвестицияланган қисмларга ажралиши сақланиб қолади. Бу табиий, чунки аҳоли ҳамма пулини инвестицияламасдан ҳар эҳтимолга қарши унинг бир қисмини ўз қўлида сақлайди. Аммо, бутун гап жамғарманинг миқдорига боғлиқ. Агар у кўпайиб кетиб ишлатилмаса, ҳам иқтисодиётга,

хам оиланинг ўзига зарар келтиради. Бу ҳолат ижобий бўлиб, йилдан йилга ошиб бориши лозим.

II боб бўйича хулоса

Ушбу бобни тадқиқ қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келдик:

- қишлоқ хўжалигида оилавий тадбиркорлик фаолияти - ўз мазмун ва моҳиятига кўра хусусий тадбиркорлик, фермерлик ва деҳқон хўжалигидан иборатдир. Булар қишлоқ аҳолисини иш билан банд қилиш билан бирга оилалар фаравонлигини оширишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади;

- оилавий тадбиркорликни юритиш учун тўсқинлик қилаётган омиллардан энг асосийси молиявий омилдир. сўралган оилаларнинг кўпчилиги бунинг учун етарли молиявий манбага эга эмаслигини қайд этишди. Ўз бизнесини бошламоқчи бўлган оила учун 1000 АҚШ доллари миқдорида маблағ керак бўлади. Демак, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда микромолиявий институтларнинг ролини ошириш талаб этилади.

- хизмат соҳаси билан банд бўлган оилалар даромади таркибида тадбиркорлик даромадлари салмоқли ўрин эгалайди. Кузатилган оилаларда пул даромадларининг жон бошига ўртача тақсимланиши энг кам даромадли сартарошхона хизматлари билан шуғулланувчи ва энг кўп даромадли савдо ва умумий овқатланиш хизматлари билан шуғулланувчи оилалар даромади ўртасидаги фарқ 2,2 мартани ташкил этмоқда. Ушбу таҳлилда яна битта муҳим қонуният кузатилди. Оила даромадларининг ортиб бориши билан улардаги аҳолининг ўртача сони камайиб бормоқда. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, оила хўжалиги аъзолари сони қанча камайиб борса, уларнинг ўртача даромадлари шунча кўп эканлиги кузатилади. Шунингдек, пул даромадларининг табақаланиши қишлоқ билан шаҳар ўртасида нисбатан фарқ қилади. Қишлоқ жойида аҳолининг бир оилага тўғри келадиган сони 6,2 кишини ташкил қилса, шаҳарда ушбу кўрсаткич 3,4 кишини ташкил қилади.

III бoб. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

1. Оилавий тадбиркорлик даромадларига таъсир этувчи асосий омиллар ва уларни аниқлаш йўллари

Хизматлар соҳасини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотларнинг ва ечилаётган стратегик вазифаларнинг ажралмас қисмидир. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнида хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни эътиборга олиш зарур. Бу омиллар республикамыз оилаларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Бу масалаларни хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликнинг айрим соҳалари бўйича кўриб чиқамиз.

Иқтисодий адабиётларда давлат ресурсларидан фойдаланилмаган ҳолда иқтисодий ўсиш манбаларини аниқлашда турлича ёндошувлар мавжуд[49]. Бу асосий ғоя даромад олиш ва сармоя йиғиш бўйича оила хўжаликларининг ўз имкониятларини баҳолаш ва улардан фойдаланиш йўлларида иборат бўлиб, ўтиш даври амал қилиб турган бизнинг республикамыз учун ҳам жуда мос келади. Чунки бу ғоя республикамыз оилаларининг фаровонлигини белгиловчи омилларини ўз - ўзидан излаб топишга имкон беради.

Оила хўжалиги фаровонлигига таъсир қилувчи омиллар жуда кўп. Биз танланган мавзуга методологик жиҳатдан тўғри ёндашиш мақсадида уларнинг айримларига тўхталишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Хизмат соҳаларида оила хўжалиги даромадларини оширишга таъсир этувчи омиллар кузатилган оилаларнинг маълумотлари асосида кўп омилли

кореляция таҳлили усули билан тадқиқ қилинди. Бунда Қашқадарё вилоятининг турли ҳудудларида кузатилган 135 та хизмат кўрсатувчи оилаларнинг маълумотларидан фойдаланилди. Бу кузатув хизмат

соҳаларида оилавий тадбиркорликнинг айрим соҳалари бўйича кўриб чиқилди.

-Савдо ва умумий овқатланиш (чакана савдо, миллий ошхона ва ресторанлар) хизматлари билан шуғулланувчи оила;

-Миллий ҳунармандчилик ва таъмирлаш устахоналари;

-Компьютер ва замонавий ахборот технологиялари (интернет кафе, кичик босмахона, уяли алоқага уланиш ва “пайнет” тўлови каби хизмат турлари) хизматлари билан шуғулланувчи оила;

-Транспорт хизматлари (юк ташиш ва аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш) билан шуғулланувчи оила;

-Сартарошхона ва гўзаллик салонлари (келинлик либослари ва тўй ускуналарини ижарага бериш ва б.) билан шуғулланувчи оилаларнинг даромадларига таъсир этувчи омиллар ўрганилди.

Тадқиқотлар кўрсатдики, оила даромадларининг кўпайишига қуйидаги омиллар таъсир этиши мумкин:

x_1 - оила аъзолари сони (киши);

x_2 - мулк ва тадбиркорлик фаолиятдан тушган даромадлар (минг сўм);

x_3 - иш ҳақи даромадлари (минг сўм);

x_4 - ижтимоий тўловлар (пенсия, стипендия, нафақа), (минг сўм);

x_5 - оила аъзоларининг ўртача ёши;

x_6 - оилавий тадбиркорлик фаолияти тури;

y - оила хўжалигининг умумий даромади, (минг сўм); - натижавий белги.

Ушбу омилларнинг натижавий белгига таъсирини аниқлаш учун корреляцион таҳлил усулларида фойдаланиш мумкин. Бу эса жуфт корреляция коэффицентини ҳисоблаш йўли билан аниқланади. Бу усул бизга бир-бирини такрорлайдиган ва натижавий белги билан кучсизроқ боғланишда бўлган омилларни тенгламага киритмаслик имконини беради.

Сўнгра регрессия-корреляция усуллари ёрдамида, кўп омилли регрессия тенгламаси тузилади.

Кўп омилли регрессия тенгламасида ўзаро кучли корреляцион боғланган омиллар бир вақтда иштирок этмаслиги лозим. Акс ҳолда, улар бир-бирларини маълум даражада такрорлаб, регрессия ва корреляция кўрсаткичларининг бузилишига сабаб бўлади[41] . Шу сабабли қуйидаги жуфт корреляция коэффициентлари матрицаси тузилди. (1.1. - жадвал)

1.1 - жадвал

Оила хўжалиги умумий даромадининг ўзгаришига омилларнинг ўзаро бир-бири билан жуфт корреляцион боғлиқлиги

	X_1	X_2	X_3	X_4	X_5	X_6
X_1	1	0,1103	0,3566	0,2246	-0,5522	0,2785
X_2	0,1103	1	0,4891	0,2239	-0,0252	0,2805
X_3	0,3566	0,4891	1	-0,0272	-0,2151	0,3606
X_4	0,2246	0,2239	-0,0272	1	0,1325	0,1844
X_5	-0,5522	-0,0252	-0,2151	-0,1325	1	-0,2437
X_6	0,2785	0,2805	0,3606	0,1844	-0,2437	-

Манба: 2013 йил март ойида Қашқадарё вилоятида кузатилган оилалар маълумотлари асосида ҳисобланди.

Жадвалдан кўриниб турибдики, иккита (x , ва x_i) омиллар жуфт корреляцион коэффициентлари (r_{ij}) абсолют қиймати бўйича унинг критик қийматидан кичик, яъни $|r_{ij}| < r_{kr}$. Шунинг учун ишда ҳамма омиллар рефессия тенгламасига киритилиши режалаштирилди, бунда корреляция коэффициентининг критик қиймати сифатида $r_{kr}=0,7$ олинди.

Агар натижавий белги билан омилларнинг корреляцион боғлиқлигини ҳисобласак у қуйидагича бўлади (1.2- жадвал).

1.2-жадвал

Оила хўжалиги умумий даромадининг ўзгаришига омилларининг корреляцион боғлиқлиги

Т/р	Омиллар	Корреляция коэффициенти
1	Оила аъзоларининг сони, киши;	0,12266
2	Мулк ва тадбиркорлик фаолиятидан тушган даромадлар, минг сўм;	0,97900
3	Иш ҳақи даромадлари, минг сўм;	0,53012
4	Ижтимоий тўловлар (пенсия, стипендия, нафақа), минг сўм;	0,16391
5	Оила аъзоларининг ўртача ёши;	-0,03838
6	Оилавий тадбиркорлик фаолияти тури;	0,26395

Регрессия тенгламасини тузишда унда иштирок этаётган омилларнинг натижавий белгига таъсирининг муҳимлик даражаси баҳоланади. Бунинг учун барча омилларнинг ўзаро боғланиш кучи аниқланди ва бир-бирини такрорлайдиган натижавий белги (оила умумий даромади) билан кучсизроқ боғланишда бўлган омиллар тенгламадан чиқарилди. Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, натижавий белги (оила умумий даромади)нинг ошишига 2,3 ва 6 омилларнинг таъсири катта. Қолган омиллар эса унча катта аҳамиятга эга эмас.

Кўп омилли регрессия тенгламасини тузиш учун қуйидаги функциялар танланди:

1. Чизиқли:

$$y = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2 + a_3x_3 + a_4x_4 + a_5x_5 + a_6x_6; \quad (1.1)$$

2. Даражали:

$$y = b_0 * x_1^{b1} * x_2^{b2} * x_3^{b3} * x_4^{b4} * x_5^{b5} * x_6^{b6}; \quad (1.2)$$

3. Кўрсаткичли:

$$y = C_0 * C_1^{x1} * C_2^{x2} * C_3^{x3} * C_4^{x4} * C_5^{x5} * C_6^{x6}; \quad (1.3)$$

Ушбу танланган функциялар бўйича кўп омилли корреляция коэффиценти ҳисобланди. Чизикли тенглама учун бу кўрсаткич $R = 0,981$, даражали учун $R = 0,612$, кўрсаткичли учун эса $R = 0,578$ бўлди. Регрессия тенгламасини танлаш учун кўп омилли корреляция коэффиценти энг юқори бўлган чизикли функция танлаб олинди.

Ишда регрессия тенгламасининг номаълум параметрларини $(a_0, a_1, a_2 \dots a_6)$ аниқлашда “энг кичик квадратлар” ва Гаусс усулларидадан фойдаланилди. Ҳисоб китоб натижалари қуйидаги регрессия тенгламасини аниқлашга имкон берди:

$$y = 139,934 + 1,356x_2 + 1,673x_3 - 44,317x_6; \quad (1.4)$$

Кўп омилли корреляция коэффиценти регрессия тенгламасини t – Стьюдент[51] критерияси ёрдамида унинг ишончилигини текшираамиз. Ҳисоб китоблар қуйидаги натижаларни берди, яъни ишончилилик даражаси $p = 0,95$ бўлганда t - Стьюдентнинг жадвал қиймати $t_{\text{жс}} = 2,36$ бўлади. Бизда $(n=30,106)$ ташкил этди. Демак, $t_{\text{ф}} / t_{\text{жс}} (30,106 / 2,36)$. Бу эса, ҳосил қилган тенгламамиз натижавий белги билан омиллар ўртасидаги боғланишни тўғри ифода қилганлигидан далолат беради.

Тадқиқот ишида корреляция коэффицентининг иқтисодий моҳиятини аниқлаш мақсадида эластиклик коэффиценти ҳисобланди. Бу қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$\varepsilon_1 = a_1 \frac{x_1}{y}; \quad (1.5)$$

Бунга кўра, оилада мулк ва тадбиркорлик даромади (x_2) нинг 1 % га ошиши, оила умумий даромадининг 0,901 фоиз ёки 12,2 минг сўмга, иш ҳақи (x_3) нинг 1 % га ошиши 0,104 фоиз ёки 1,5 минг сўмга кўпайишига, шунингдек, (x_6) оилавий тадбиркорлик фаолияти тури (соҳаси) нинг ўзгариши эса 0,108 фоизга камайишига олиб келди.

Худди шу усул ёрдамида Ўзбекистонда оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга ва улар сонининг кўпайишига омиллар

таъсирини ҳам ҳисоблаш мумкин. Бунга эса куйидаги омиллар таъсир этиши мумкин:

x_1 - ягона солиқ ставкаси (фоизда);

x_2 - қўшимча қиймат солиғи (фоизда);

x_3 - мол-мулк солиғи (фоизда);

x_4 - ер солиғи;

x_5 - йиллик қайта молиялаштириш ставкаси (фоизда);

x_6 - лицензия харажатлари;

x_7 - меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов (фоизда);

y - оилавий тадбиркорлик субъектлари сони.


Кўриб турганимиздек ушбу омиллар оилавий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш ва уларнинг сонининг кўпайтиришда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда. Шу мақсадда, мамлакатда иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида биринчи навбатда, солиқ юкини камайтириш ва унификация қилиш, ягона ижтимоий тўловларни мумкин қадар камайтиришга муҳим аҳамият берилмоқда. Фақат 2000-2007 йиллар мобайнида юртимизда даромад солиғи 38 фоиздан 10 фоизга, ягона ижтимоий тўлов 40 фоиздан 24 фоизга, кичик бизнес субъектлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, яъни фермерлар учун ягона солиқ 10 фоизга туширилди[34].

Шунингдек, юқорида келтирилган таҳлил услуби кузатилган оилаларда хизмат соҳаларида тадбиркорликнинг беш йўналиши бўйича даромадларнинг оила аъзолари жон бошига ўртача тақсимланиши нуқтаи назаридан таҳлил қилиш имконини ҳам беради. Буни 1.3-расм маълумотларидан кўриш мумкин.

Ушбу расм маълумотларидан кўриниб турибдики, даромадларнинг оилада жон бошига тақсимланиши савдо ва умумий овқатланиш хизматлари (чакана савдо, миллий ошхона кафе ва ресторан) билан шуғулланувчи оилаларда энг юқори яъни, 367,3 минг сўмни ташкил этмоқда. Миллий ҳунармандчилик билан шуғулланувчи ва таъмирлаш устахоналари мавжуд

бўлган оилаларда даромадларнинг жон бошига тақсимланиши 311,9 минг сўмга тўғри келади. Компьютер ва ахборот технологиялари хизматлари (интернет кафе, кичик босмахона ва уяли алоқага уланиш каби хизмат турлари) билан банд бўлган оилаларда бу кўрсаткич 202,0 минг сўмни, аҳолига транспорт хизматлари кўрсатувчи оилаларда 172,7 минг сўмни, фото ва гўзаллик салонлари каби фаолият билан шуғулланувчи оилаларда 166,8 минг сўмни ташкил этди. (1.3-расм)

Кузатишган 135 та хизмат соҳаларида тадбиркорлик фаолияти билан банд бўлган оилаларда пул даромадларининг жон бошига ўртача тақсимланиши' (минг сўм)



- 1- савдо хизматлари (чакана савдо, миллий ошхона ва ресторанлар);
- 2- миллий хунармандчилик ва таъмирлаш хизматлари;
- 3-компьютер ва ахборот технологиялари хизматлари (интернет кафе, кичик босмахона ва уяли алоқага уланиш каби хизмат турлари);
- 4- транспорт хизматлари (юк ташиш ва аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш);
- 5-фото ва гўзаллик салонлари.

Ушбу юқоридаги кўп омилли корреляцион таҳлил натижаларига кўра, оила даромадларининг кўпайишига, мулк ва тадбиркорлик фаолиятидан

тушган даромадлар катта таъсир кучига эга эканлигига изланишларимиз давомида гувоҳи бўлдик. Шундай экан, ушбу даромад турининг оила ялпи даромадидаги улушининг истиқбол кўрсаткичларини белгилаш ҳам муҳим концептуал аҳамият касб этади.

2. Iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida oilaviy tadbirkorlik daromadlarini ko'paytirish istiqbollari

Бозор иқтисодиёти шароитида хизмат соҳаларида оилавий тadbirkorlikнинг ривожланиши ва даромадларининг шаклланиши улар фаолиятининг истиқбол кўрсаткичларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу эса республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасининг концептуал йўналишлари ва дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш имконини беради. Юқоридаги (1-бўлим) таҳлил натижаларига кўра, мулк ва тadbirkorlik фаолиятдан тушган даромадлар оила даромадларининг кўпайишида муҳим омил эканлигига гувоҳ бўлдик. Шу боис, ушбу даромад турининг оила ялпи даромадидаги улушининг истиқбол кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқишни тадқиқотларимиз олдида турган муҳим вазифа деб билдик.

Маълумки, иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида аҳоли бандлиги ва оилалар фаровонлигини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этишда, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlik, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилмоқда. Бу имкониятлар ўз навбатида ушбу соҳанинг иқтисодиётда тобора муҳим ўрин эгаллашини ҳам талаб этмоқда.

Шу мақсадда 2.1 - жадвал маълумотлари асосида республикамизда кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlik субъектларининг ЯИМ даги улуши, уларнинг сони, ундаги банд аҳоли ва оилаларни тadbirkorlik фаолияти ҳисобига оладиган даромадлари улуши, шунингдек пуллик хизматлар ҳажми ва унда кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlikнинг улушини истиқбол кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилди.

2.1- жадвал

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакатимиз
Иқтисодиётидаги ўрни**

№	Кўрсаткичлар	2004 й	2005 й	2006 й	2007 й	2008 й	2009 й	2010й	2011 й	2012 й	2013 й
1	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ЯИМ даги улуши, %	24,3	27,9	31,6	30,4	32,3	34,6	35,5	35,6	38,2	42,1
2	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони, (минг та)	146,7	165,6	159,7	183,0	201,9	240,0	250,0	263,8	308,7	350,0
3	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда банд аҳоли, (минг киши)	3873,7	3548,3	4152,5	4483,8	4842,5	5212,5	5390,0	5500,0	6679,0	7258,6
4	оила хўжалигида тадбиркорлик даромадлари улуши.	24,8	26,8	28,4	30,7	32,7	32,4	32,0	31,1	30,0	55,1
5	Пуллик хизматлар ҳажмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши, %	23,6	29,7	34,4	36,1	38,8	41,3	45,7	47,9	52,0	50,9
6	Пуллик хизматлар ҳажми (млрд. сўм)	70,3	114,6	189,4	309,9	472,3	711,4	948,4	1226,6	1606,7	2180,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллардаги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Худди шундай ҳисоблаш усулини қўллаган ҳолда, биз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ЯИМ даги улуши, уларнинг сони ва ундаги банд аҳоли сони, шунингдек пуллик хизматлар ҳажми ва унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улушини истиқбол кўрсаткичларини ҳам ҳисоблаб чиқдик. Ушбу иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ҳисоб-китоблар 4-8 иловаларда келтирилган.


2.2-жадвал

ОИЛАДА ТАДБИРКОРЛИК ДАРОМАДЛАРИ УЛУШINI ҲИСОБЛАШНИНГ ПРОГНОЗ ФУНКЦИЯЛАРИ

Т/р	Функциялар рўйхати	F -Фишер коэффиценти
1	$y = 15,95 + 2,47 * t$	3,554
2	$y = 17,69 * 1,089^t$	3,911
3	$y = 15,89 * t^{0,4}$	3,355
4	$y = 17,69 * e^{(0,85t)}$	0,919
5	$y = \frac{t}{(0,06 + 0,02t)}$	3,048
6	$y = 21,70 + 0,19t^2$	3,051
7	$y = 38,19 - 2701/t$	1,551
8	$y = \frac{1}{(0,05 - 0,01t)}$	2,765
9	$y = \frac{1}{(0,03 + 0,11 * e^{-t})}$	1,020
10	$y = 13,57 + 2488Int$	3,033
11	$y = -\frac{0,06}{(18,18 + t)}$	0,833
12	$y = \frac{2,04t}{(43,78 + t)}$	0,833
13	$y = 3959 * e^{\left(\frac{1,07}{t}\right)}$	1,569
14	$y = 23,79 + 0,02 * t^3$	2,686

Таҳлил натижаларидан амалиётда фойдаланиш мақсадида хусусан, режалаштиришда қўллаш учун, ишда ушбу таҳлил жараёни ва натижалари расмда ифодаланди (2.1 - расм).



**Оила хўжалигида тадбиркорлик даромадлари улушининг 2011-2013
йиллардаги истиқболли динамикаси, (фоизда)**



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 1999-2013 йиллардаги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Ушбу расмдан кўриниб турибдики оила хўжалигида тадбиркорлик даромадлари ҳақиқатда йилма-йил мунтазам равишда ўсиб бормоқда. Бироқ бу ўсиш бир хил даражада рўй бермаяпти яъни, 2008 йилгача бироз секин бўлган. Бу ҳолатни мазкур даврларда оилада тадбиркорлик кўникмаларининг ҳали етарлича шаклланмаганлиги билан изоҳлаш мумкин деб ўйлаймиз. 2009 йилда бу кўрсаткич кескин ўсганлиги кўриниб турибди. Бу ўсиш ушбу йилда статистик маълумотларда тадбиркорлик, мулк ва кишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш ҳисобидан олинган даромадлар биргаликда қўшиб ҳисобланганлиги натижасида рўй берган. Аммо 2009 йилдан 2013 йилга қадар тадбиркорлик даромадларининг мунтазам ўсиб бориш тенденцияси кузатилмоқда.

Оила
тақозо эти
олинди.
даромад т
Тан
пуллик х
таҳлил қ
мақсад қ



Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитасининг 2000-2013 йиллардаги маълумотлари асосида тузилди. 2007-2010 йиллар эса прогноз функциялар ёрдамида ҳисобланди.

Ушбу расм маълумотларига кўра аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш умумий ҳажмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

субъектлари улуши тобора етакчи ўрин эгаламоқда. Бу кўрсаткич 2000 йилда 23,6 фоизни ташкил қилган бўлса 2009 йилда 50,9 фоизни ташкил этган. Бу хизмат турларига савдо хизматлари (чакана савдо, миллий ошхона ва ресторанлар), миллий хунармандчилик ва таъмирлаш устaxonалари, компьютер ва янги ахборот технологиялари хизматлари (интернет кафе, кичик босмахона ва уяли алоқага уланиш каби хизмат турлари), транспорт хизматлари (юк ташиш ва аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш), сартарошхона ва гўзаллик салонлари (келинлик либослари ва тўй ускуналарини ижарага бериш) ва бошқа оилавий хизмат турлари кирази. Бу кўрсаткич таҳлилларига кўра 2013 йилда 57,1 фоизга ўсган.

Бу ҳолат келажакда мамлакатда янги хизматлар бозорининг пайдо бўлиши ва унда хусусий секторнинг улуши янада етакчилик қилиши билан изоҳланади. Бу улуш ҳам прогноз даврида 4,2 мартага ошиши кузатилди.

Қуйидаги 2.3-жадвалда Ўзбекистонда 2010-2013 йилларда хизмат соҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг истиқболли кўрсаткичлари ҳамда уларни ҳисоблаш учун энг қулай функциялар рўйхати келтирилган.

Тадқиқотда қўлланилган услуб орқали таҳлил қилинган истиқбол кўрсаткичлар, улардан амалиётда фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида далолат беради. Ушбу кўрсаткичларнинг ўртача хатоси 4,19 фоизни ташкил этди.

2.9-жадвал

**Ўбекистонда 2010-2013 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг
истикболий кўрсаткичларини ҳисоблаш учун энг қулай функциялар**

№	Кўрсаткичлар номи	Прогноз учун энг қулай функция	F - коэф.	Йиллар				Прогнознинг ўртача хатоси, %
				2010	2011	2012	2013	
1	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ЯИМ даги улуши, %	$y = 23,94 + 1,68 * t$	32,983	42,528	44,217	45,906	47,596	2,1704
2	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони,	$y = 152631 + 1696 * t^2$	212,642	390,676	435,983	485,231	538,418	1,6483
3	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда банд аҳоли, минг киши	$y = 1 / (0,285 - 0,015 * t)$	136,203	8097,028	9192,905	10631,853	12604,870	1,6354
4	оила хўжалигида тадбиркорлик даромадлари улуши, %	$y = 17,68 * 1,09^t$	3,911	49,095	53,455	58,201	63,369	4,83
5	Пуллик хизматлар ҳажмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши, %да	$y = 2,70 + 20,62 * t^2$	84,279	52,643	54,236	55,743	57,177	1,9025
6	Пуллик хизматлар ҳажми, млрд.сўм.	$y = 2,70 + 20,62 * t^2$	213,035	2498,865	2973,342	3489,078	4046,073	12,9917

3. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб - қувватлашни такомиллаштириш йўналишлари

Бугунги кунда хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мамлакат иқтисодиётини юксалтирибгина қолмасдан, оила фаровонлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этишини 2-бобда кўриб чиқган эдик. Оила даромадларининг мазмуни ва таркиби бозор муносабатлари шароитида тубдан ўзгарди. Чунки, олдин оила даромади асосан меҳнат даромадидан таркиб топган бўлса, эндиликда бу манба етарли бўлмасдан қолди. Шу туфайли, ҳар бир оила эндиликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини ҳаётнинг ўзи тақозо этади.

Бугунги кунда республикаимиз иқтисодиётида кичик бизнес корхоналари ҳисасини оширишга кўплаб шарт - шароитлар яратилмоқда. Бу соҳадаги энг муҳим вазифалар қуйидагилардан иборат:

1. Давлат тузилмаларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини янада кўпроқ чеклаш.
2. Хўжалик субъектларига нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари тизимини тўлиқ қайта кўриб чиқиш. Қасдан содир этилмаган ва катта бўлмаган қоидабузарликлар учун жазо чораларини камайтириш ва тадбиркорлар етказилган зарарни ихтиёрий равишда тўлиқ қоплаган ҳолларда жазони қўллашдан воз кечиш керак.

Хусусий тадбиркорларга зарур ресурсларни сотиб олиш ва ўз маҳсулотини сотиш учун бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш бўйича бошланган ишларни давом эттириш, биржа ва аукцион савдолари орқали сотилаётган товарлар тури ва ҳажмини кенгайтиришга қаратилган катъий чора-тадбирлар кўриш, марказлаштирилган тақсимот тизимига қайтишга бўлган ҳар қандай ўринишларга барҳам бериш айниқса муҳим аҳамиятга эга.

Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шубҳасиз, бу соҳага молиявий кўмак, қўшимча солиқ имтиёзлари ва преференциялар беришни

такозо этади. Бу ёрдамни замонавий ривожланган банк тизими орқали, ишлаб чиқариш корхоналарига фоиз ставкалари унча юқори бўлмаган кредитлар ажратиш йули билан амалга ошириш мумкин. Микрокредитлаш тизимини кенгайтириш, бу ишни Халқаро молия корпорацияси, Жаҳон банки, Осиё банки каби халқаро молия ташкилотлари ёрдамида амалга ошириш талаб этилади.

Оилавий тадбиркорлик давлат томонидан ҳам қўллаб - қувватланыпти. Шу мақсадда вазирлик ва идораларга кичик бизнес учун қўшимча кафолат ва имтиёзлар бериш бўйича ҳукумат қарорлари лойиҳасини таёрлаш вазифаси топширилади. Бунда қуйидаги масалалар кўзда тутилиши зарурлиги таъкидланди:

1. Солиққа тортиш тизимида қўшимча имтиёзлар ва проференциялар бериш, солиқ қонунчилигининг барқарорлигини таъминлаш, солиқларни ҳисоблаш ва тўлашнинг ошқора, соддалаштирилган усуллари ишлаб чиқиш.

2. Фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун рухсат бериш тартибларини қисқартириш ва соддалаштириш, кичик бизнесни ариза бериш асосида рўйхатга олиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш.

3. Йирик корхоналарнинг буюртмалари асосида майда бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган янги корхоналар ташкил этиш, хонадонларда майда хусусий цехлар очишни рағбатлантириш.

4. Кичик корхоналарда ишлайдиган, айниқса, қишлоқ жойларда касаначилик билан шуғулланадиган фуқаролар учун моддий-техник таъминот бўйича хизмат кўрсатадиган ва улар томонидан таёрланган маҳсулотларни сотишга кўмаклашадиган тузилмалар яратиш.

Оилавий тадбиркорликни қўллаб - қувватлашда бозор инфратузилмаси ва тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳуқуқий ҳимоялаш тизимини яратиш, ҳусусан тадбиркорларни бирлаштириб, улар

манфаатини ҳимоя қилувчи жамоат ва нодавлат ташкилотлари катта аҳамиятга эга. Бу борадаги маълумотларнинг кўрсатишича, кичик бизнес ва хусусий корхоналар орасида ишбилармонлар ва касбий ассоциацияга аъзо бўлган корхоналар сони кўпайиб бормоқда.

Республикада тадбиркорликни ривожланиши учун қулай шароитларнинг яратилганлиги қуйидагилар билан изоҳланади:

1) Турли ривожланган бозор инфратузилмалари фаолият кўрсатмоқда: Республика товар-хонабиро биржаси, Агросаноатбиржа, Кўчмас мулк биржаси, деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш фонди, суғурта агентликлари, тадбиркорлик субъектларига консалтинг, аудиторлик ва ахборот хизмати кўрсатувчи “Консаудитинформ” агентлиги, муҳандислик ва лизинг фирмалари, кадрлар тайёрлаш маркази, кичик улгуржи дўконлар тармоғи ва бошқалар.

2) Чет эл кредит йўналишлари очилди ва уларни ўзлаштириш йўлга қўйилди.

3) 2002 йилда қабул қилинган “Кредит уюшмалари тўғрисида” ги қонун яққа ва оилавий тадбиркорлик субъектларини банқдан ташқари кредитлаш фаолиятини кенгайтиришга имқон яратди.

4) Оилавий тадбиркорлик субъектларига бир қатор имтиёзлар берилди.

5) Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтқазиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига биноан тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтқазиш ва тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатномалар расмийлаштиришнинг соддалаштирилган механизмлари жорий этилди.

6) Давлат кичик ва хусусий тадбиркорлик учун кадрлар тайёрлаш, қайта ўқитиш, малака ошириш тизимининг ривожланишини таъминлайди.

7) Тадбиркорлар фаолиятига ғайриқонуний аралашувлардан ҳимоя қилишда ҳокимиятларда, вақолатли вазирлик ва ташкилотларда

ўрнатилган “Ишонч телефонлари” ҳамда тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинган вақтида берилувчи “текширишларни қайд этиш дафтари” ижобий роль ўйнайди.

Оилавий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, бугунги кунда ҳар бир оиланинг олдида турган муаммодир. Биз юқорида (2-бўлим) кўриб чиқганимиздек оила хўжалиги даромадларини фақат оила аъзоларининг меҳнатига олинадиган ҳақи билан кўпайтириш қийин. Шу туфайли оилавий тадбиркорликни юритиш ва шу орқали оила фаровонлигини таъминлаш муҳим ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга. Чунки ҳар бир оила ўз фаровонлигини ўзи таъминлаши билан бирга давлатнинг ҳам иқтисодий қудратини оширишга кўмаклашади. Бу куйидагиларда намоён бўлади:

- давлатнинг кам таъминланган оилаларга берадиган ижтимоий тўловлари улуши бир мунча қисқаради.

- оилалар ўзларининг тадбиркорлик даромадлари ҳисобидан, давлат бюджетига мунтазам солиқ тўлаб боришлари янада ортади.

- оилада боқимандалик ўрнига тадбиркорлик қобилиятлари уйғонади. Бу эса оилаларда инсон омилининг ишга тушишига асос бўлади.

- оила хўжалигида ўз-ўзини иш билан бандликни ошириш билан бандликнинг ностандарт шакллари кенгайишига имкон беради.

Оилавий тадбиркорлик фаолиятини фақатгина савдо ва хизмат соҳалари билан боғлаш мумкин эмас, балки фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятларини ҳам ҳисобга олиш керак. Аммо, оила хўжалигида ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш имкони чекланган. Шу туфайли биз шаҳар ва қишлоқ оилаларида тадбиркорликни юритишнинг ўзига хос жиҳатларини ва самарали усулларини кўриб чиқишимиз лозим. Қишлоқ хўжалигида оилавий тадбиркорлик фаолиятини юритишнинг самарали шакллари асосан, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобланади. Ушбу оилавий хўжаликларнинг қиёсий таҳлилига кўра

оилавий деҳқон хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги ялпи ички маҳсулотигади улуши ҳам анча юқори суръатларда ўсиб бормоқда.

Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимларини таҳлил қилиш қуйидаги вазифаларни аниқлаш имконини беради:

-инфратузилма ривожланмаган қишлоқ жойларда аёлларга оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун микрокредитлар ажратиш бўйича ресурс имкониятларни аниқлаш;

-аёлларга йирик саноат корхоналари томонидан уйда бажариладиган ишлар ва хизматларга буюртма бериш ҳисобига уй меҳнати ишчи ўринларини яратиш параметрларини аниқлаш.

Оилавий тадбиркорлик фаолиятининг оилалар ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини таъминлашдаги беқиёс улушини ҳисобга олиб улар фаолиятларини янада ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- Олис туманларда, бориш қийин ва иш топишга талаб ҳаддан ортиқ кўп бўлган қишлоқ пунктлари аҳолисига ҳар қандай хизмат кўрсатаётган тадбиркорларга 3-5 йилгача солиқларнинг бир қисми ёки барчасидан озод қилиш. Бу оилаларнинг ўз - маблағлари билан ишлаб чиқариш ёки бошқа фаолият турларини кенгайтириш имконини беради. Солиқдан имтиёзлар бериш ҳозирги даврда жуда муҳимдир. Чунки, кўпчилик оилалар тадбиркорликка бозор қонуниятларига кўпикма ҳосил қилмаганлар. Бу ҳолат, албатта тадбиркорлик фаолиятига салбий таъсир кўрсатади, Шу туфайли, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчи оилаларга солиқ ставкасини пасайтириш ҳамда, бюджетдан ташқари жамғармаларга тўланадиган мажбурий ажратмаларни камайтириш лозим;

- Оилавий тадбиркорлик гуруҳларини тўғридан тўғри молиялаштириш

ва енгил шартлар билан кредит ва қайтимсиз грантлар бериш;

- Иш билан бандликни таъминлаш мақсадида йирик саноат корхоналари ўртасидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар (касаначилик) бўйича ҳамкорликка янада кенг шароитлар яратиш;

- Оилавий тадбиркорлик субъектларига ахборот маслаҳатларини беришда кўмаклашиш;

- Оилавий тадбиркорлик фаолияти учун кадрлар таёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

Юқорида қайд этилган тадбирларни амалга ошириш республикада оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва давлат томонидан қўллаб - қувватлаш механизмини янада такомиллаштириш имконини беради. Бу борада хорижий илғор тажрибага республиканинг ўзига хос миллий хусусиятлари ҳисобга олиниб ёндашилса мақсадга мувофиқдир.

III боб бўйича хулоса

Ушбу боб бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

- Оила хўжалиги фаровонлигига таъсир қилувчи омиллар жуда кўп. Тадқиқотлар кўрсатдики, оила хўжалиги умумий даромадининг ошишига мулк, тадбиркорлик фаолиятидан ва иш ҳақи ҳисобидан олинган даромадлар катта таъсир кучига эга. Қолган омиллар эса унча катта аҳамиятга эга эмас.

- Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасида тўсқинлик қилаётган омиллардан энг асосийси молиявий омилдир. Демак, оила даромадларини кўпайтиришга йўналтирилган сиёсатни амалга ошириш билан бирга тадбиркорликни ривожлантириш учун микромолиявий институтларнинг ролини ҳам ошириш талаб этилади.

- Хизмат соҳаси истиқболда иқтисодиётнинг асосий соҳасига айланади. Прогноз функцияларимизнинг кўрсатишича пуллик хизматлар ҳажмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2010 йилда 55,7 фоизни, пуллик хизматлар ҳажми эса 4046,073 млрд. сўмни ташкил этиши кузатилди.

- Хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасида етарлича ҳуқуқий асослар мавжуд. Шу билан бирга айтиб ўтиш керакки, пуллик хизматларни ривожлантириш борасида мазкур бобда қайд этилганидек қатор муаммолар мавжуд. Тадбиркорликни юритишда тенг бўлган имкониятлар, тўсиқлар ҳалигача сақланиб турибди. Бу муаммоларнинг ҳал этилиши давлатнинг тартибга солиш бўйича функцияларини сезиларли даражада қисқартиришни кўзда тутди.

- Республикамизда ҳар бир оилада тадбиркорликни йўлга қўйиш, уларнинг ўз фаровонлигини таъминлаши билан бирга давлатнинг ҳам иқтисодий қудратини оширишга кўмаклашади. Бу эса оила аъзоларининг ўз-ўзини иш билан таъминлаши билан бандликнинг ностандарт шаклларининг кенгайишига изланишларимиз давомида гувоҳи бўлдик.

ХУЛОСА

Тадқиқот ишида бозор муносабатлари шароитида хизмат соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муаммоларини назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилиб қуйидаги хулосаларга келинди.

1. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида «оила» тушунчасининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан мазмуни кенгайиб, унга фақат истеъмолчи субъект сифатида эмас, балки иқтисодий муносабатларнинг асосий иштирокчиси эканлигини ҳисобга олиб ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, истеъмол бозори, меҳнат бозори, молия бозори ва энг муҳими ишлаб чиқариш ва хизмат соҳаларида ҳам улар ҳаракатини кузатиш мумкин. Иқтисодий адабиётларда ушбу тушунчага доир турли хил қарашлар мавжуд. Бу тушунчаларни назарий жиҳатдан, ҳар бирининг хусусиятини ҳисобга олиб қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин.

Биринчидан, уй хўжалиги, иқтисодиётда истеъмол билан боғлиқ муаммолар, социал-демографик кузатувлар ва уй-жой сиёсатини таҳлил қилишда статистик кўрсаткич сифатида фойдаланиш лозимлиги нуқтаи назаридан қаралади.

Иккинчидан, бу анъанавий уй-рўзгор ишлари (бола тарбияси, овқат тайёрлаш, кир ювиш, уй тозалаш, таъмирлаш) каби ишлар йиғиндисининг умумий миқдори ва ниҳоят оиланинг даромадлари ва харажатларини ўз ичига олувчи кенг мазмундаги статистик ижтимоий-иқтисодий тушунча сифатида баҳоланади.

Учинчидан эса, уй хўжалигининг оила даромади шаклланиши нуқтаи назаридан унга мустақил хўжалик юритувчи субъект сифатида қарашдир. Бу бизнинг нуқтаи назаримизга мос келади. Бунда оилавий тадбиркорлик фаолиятини юритиш алоҳида аҳамият касб этади.

2. Оилавий тадбиркорлик - бозор муносабатлари шароитида оила хўжалигининг энг асосий функцияларидан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан

оила хўжалиги функциялари унинг фаровонлигини таъминловчи омиллар сифатида қаралиши лозим. Чунки оила хўжалиги ўз функцияларини муваффақиятли бажариши нафақат унинг моддий фаровонлигига, шу билан бирга оилада келиб чиқадиган ижтимоий низоларнинг ҳам қисқаришига олиб келишини изланишларимиз давомида гувоҳи бўлдик.

3. “Оила - оилавий тадбиркорлик” категориялари мураккаб ажралмас мажмуадир. Бунда оила фақат истеъмолчи сифатида ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Бироқ, оилавий тадбиркорлик фақатгина оила негизида шаклланади ва ривожланади.

4. Оилавий тадбиркорлик ҳам ўзига хос тадбиркорлик бўлиб, оила мулкига, ишлаб чиқариш воситаларига, оила аъзоларининг меҳнатига ва тадбиркорлик фаолияти натижасида оладиган даромадига эгалик қилиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини юритувчи оила мамлакатда товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланади. Демак оилавий тадбиркорлик кичик бизнеснинг бир қисми бўлиб, турли хил хизматлар кўрсатишда ҳам намоён бўлади. Шундай экан, ҳозирги иқтисодий муҳит алоҳида «Оилавий тадбиркорлик фаолияти ва уни қўллаб-қувватлаш тўғрисида» ги қонунни қабул қилишни тақозо этмоқда.

5. Хизмат соҳаси истиқболда иқтисодиётнинг асосий соҳасига айланади. Хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришдан республикамиз қуйидаги манфаатларни кўради:

- аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми ошади.
- мамлакатда янги хизматлар бозори пайдо бўлади;
- ҳудудий инфратузилма ва хизмат кўрсатиш объектлари ислоҳ қилинади;

- хизмат соҳасига оид янги касблар ўрганилади ва б. Ушбу манфаатлар эътиборга олиниб, хизмат соҳаси ислоҳ қилинди.

6. Хизмат соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, бандлик муаммосини айниқса, хотин-қизлар, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, оилаларнинг даромадини сезиларли даражада кўпайтириш, бутун мамлакатимиз аҳолисининг фаровонлигини ошириш имконияти яратади. Бу биринчидан, аҳолини иш билан таъминлаш орқали оилаларнинг муҳим даромад манбаи ва мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асоси бўлса, иккинчидан, мамлакатимиз бозорини хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш орқали аҳолининг турмуш даражасининг ошишига сабаб бўлади.

Хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қуйидаги ҳулосаларга келинди ва шу асосда амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Миллий кадриятларимизга кўра, республикаимиз шаҳар ва қишлоқларида хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорлик фаолиятининг маҳалий, ан-аънавий ва шаҳарбоп кўринишларини тиклаш ва рағбатлантириш шунингдек, миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш йўналишидаги фаолиятларини тиклашда, уларга зарур бўлган бошлангич маблағ билан таъминлаш мақсадида имтиёзли кредитларни йўлга қўйиш лозим. Шунингдек, оилаларининг кредитлар олиш имкониятларини кенгайтириш ва ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ва истеъмол кредитлари салмоғини янада кенгайтириш зарур. Бу эса уларнинг мулкӣ таъминланганлик даражасини янада оширади.

2. Қишлоқ ва шаҳарларда ҳар қандай хизмат турини кўрсатаётган тадбиркорларга солиқлар ва ягона ижтимоий тўловларни (2007 йилда 24 фоиз) мумкин қадар камайтириш мақсадга мувофиқдир. Чунки, мазкур тўлов турлари тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва шу орқали оила даромадларини кўпайтиришда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда. Бу эса оилаларнинг ўз маблағлари билан хизмат кўрсатиш

турларини кенгайтиришга имкон беради. Чунки, кўпчилик оилалар бозор қонуниятларига етарлича кўпикма ҳосил қилмаганлар. Бу ҳолат, албатта тадбиркорлик фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

3. Хизмат соҳасида иш билан бандликни таъминлаш мақсадида, янги корхоналар ташкил этиш, хусусан, касаначилик, оилавий кичик цехлар очиш, кишлоқ жойларида ижтимоий-маиший ва қурилиш буйича хизматлар турини кенгайтириш ҳамда, йирик саноат корхоналари ўртасида турли хизматлар бўйича ҳамкорликка янада кенг шароитлар яратиш зарур;

4. Оилавий тадбиркорликни юритиш учун тўсқинлик қилаётган омиллардан энг асосийси молиявий омилдир. Сўралган оилаларнинг кўпчилиги бунинг учун етарли молиявий манбага эга эмаслигини қайд этишди. Уз бизнесини бошламоқчи бўлган оила учун зарур миқдорда маблағ керак бўлади. Демак, Оила даромадларини кўпайтиришга йўналтирилган сиёсатни амалга ошириш билан бирга оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун микромолиявий институтларнинг ролини ҳам ошириш талаб этилади;

5. Оилавий тадбиркорликни ривожланиши учун қулай имкониятлар яратиш мақсадида тадбиркорлик ва мулкчилик ҳуқуқларига оид тўпламлар, ҳамда гаровга қўйилган мулк ёки оила хўжалиги активларинисотиб олиш ҳуқуқига қаттиқ амал қилишни таъминлаш;

6. Хизмат соҳаси оилавий тадбиркорлик субъектларига кадрлар таёрлаш, касби бўлмаган шахсларга бозор талабига мос касблар ўргатиш, хусусан хизмат соҳаларига мос мутахассислар таёрлашга ёрдам бериш ҳамда ахборот маслаҳатларини беришда кўмаклашиш зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Микромолиялаш тўғрисида”ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Микрокредит, ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ва фармонлар.- Т.:Ўзбекистон. 1992. – 19 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”.// Ж. Солиқ тўловчи журнали. 1998. № 7 – 8. – 12 б.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги қонуни. // Халқ сўзи. 6 июн 1998 йил.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонуни. // Халқ сўзи. 7 январь 2012 йил.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни // Халқ сўзи. 2012 йил 27 апрел

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, № 4, 2003 й, 3 Б.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони - 2003 й. 24 январ. // “Халқ сўзи” -2003.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-10-сонли Қарори. (2005 йил 16 феврал).

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жаддаллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”. “Халқ сўзи”, 2005 й. 15 июнь.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”. “Халқ сўзи” 2005 йил 16 июнь.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора - тадбирлар тўғрисида”. “Халқ сўзи”, 2005 йил 21 июнь.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони “Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида”. “Халқ сўзи”, 2005 й. 25 июнь.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида” (2006 й. 5 январ). “Ишонч” газетаси 2006 й 6 январ, №3 (2052).
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги Қарори (2006 йил 17 апрел).
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли ҳамда хўжалик субъектларининг банк тизимида бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш борасидаги чора - тадбирлар тўғрисида”ги ПК-565-сонли Қарори. (2007 йил 12 январ).
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора -тадбирлари тўғрисида” (2007 йил 18 май).

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора -тадбирлари тўғрисида” (2007 йил 12 ноябр).

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг “Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланишни тартибга солиш тўғрисида” ги қарори. 2002 йил 4 июнь. // “Халқ сўзи” - 2002.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг “Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан микрокредит бериш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида” ги 367-сонли қарори (2001 й 10 сентябр).

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг “Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг кичик бизнесни тўлиқ ривожлантириш Япония-Ўзбекистон дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 201-сонли қарори (2002 й 6 июн).

24. “Тижорат банклари томонидан оилавий тадбиркорлик субъектларига бандликка кўмаклашиш жамғармаси кредитлари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида” ги (ЎЗР АВ 03.06.2002 й, 1146-сон) Низом.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

25. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоқотларни чуқурлаштириш йўлида. Т: Ўзбекистон, 1995.

26. . Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1998.

27. Каримов И.А. Жамиятимизнинг мафкураси халқимизни халқ, миллатимизни миллат қилишга хизмат этсин. Т: Ўзбекистон, 1998.

28. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т: Ўзбекистон, 1998.

29. Каримов И.А. Келажакни жасоратли одамлар куради // “Халқ сўзи”, 1999. 17 февраль.

30. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. - Т.: “Ўзбекистон”, 2000, 16- Б. 13. Каримов И.А. Жамиятда

- тадбиркорлик руҳини қарор топтириш - тараққиёт гарови. “Халқ сўзи”, 2001. 18 июль.
31. Каримов И.А. Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулдирмиз. Т.: Ўзбекистон. - 2001.
32. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир.- Т.: Ўзбекистон, 2005 .82- Б.
33. Каримов И.А. 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси // "Халқ сўзи", 2007 йил 13 феврал, №31 (4184).
34. Каримов И.А. 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси // “Халқ сўзи”, 2008 йил 9 феврал.
35. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.// Т.: Ўзбекистон, 2011.
36. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” 2010 йил 13-ноябр.
37. Каримов И.А. “ 2012 - йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”//“Халқ сўзи” 2012 йил 20 январ
38. Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”. Тошкент Ўзбекистон, 2011 йил
39. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз-кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2013. 19 январ

40. Каримов И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” Халқ сўзи газетаси, 18.01.2014

IV. Асосий адабиётлар

41. Абдуллаев Ё. Статистиканинг умумий назарияси. Т.: “Ўқитувчи” 1993, 146-Б.

42. Абдукаримов Б.А., Мусаев Б.Ш. Коммунал хизматларни ташкиллаштириш аҳолига қулайликлар яратиш омили. Т.: “Fan va tehnologiya” нашриёти, 2007. - 28 Б.

43. Абчук В.А. Основа предпринимательства. - М: Вита-пресс. 1995. - 240с.

44. Бутов А.В. Домохозяйство как потребительская единица на товарном рынке / МГУ им. Ломоносова. Экон. фак. Каф. народонаселения. - М., 1996.-С. 12.

45. Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. Т.:, 1997, 42 - Б.

46. Воркуев Б. Модели микроэкономики. М.: ТЕИС 2002 й. - С. 52.

47. Гулямов С.С, Ахмедов Д.К., Шодиев Т.Ш. Актуальную проблемы экономики Узбекистана переходного периода. Т: Книжно-журнальная фабрика. 1996.

48. Зверева Н.В. Экономический подход в исследованиях семьи в современных условиях // Вестник МГУ. Сер.6. Экономика. 1994. №6.С-38

49. Кейнс Дж. М. “Избранные произведения”. - М.: Экономика, 1993 г.

50. Кейнс Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег. - М.: Прогресс, 1978.

51. Львовский Е.Н. Статистические методы построения эмпирических формул: учеб. пособие для вузов. - М.: 1988. -С. 239.
52. Никифоров А. Макроэкономика - 2 курс лекций. М.: ТЕИС 2003, -С. 27.
53. Никифорова А. Рынок труда: занятость и безработица. М.: Международные отношения, 1991 - 184 с.
54. Пардаев М, Шодиева Г. Оила хўжалиги иқтисодиёти ва тадбиркорлиги. (маърузалар матни), Қашқадарё 2001й, 8 Б.
55. Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. Т.: Ўзбекистон, 1999. 58-71 Б.
56. Севлякянц Г.С., Ходжаев Э.Н. Предпринимательство в Республике Узбекистан. Т: Мерос, 1993. -183с.
57. Смит А. Исследование о природе и причинах богатств народов. - М.: Соц.энцикл, 1962,-С.332.

V. Қўшимча адабиётлар

58. . Сергеев Д.В. Институциональные особенности домохозяйства в постперестроечной России. М.: 2003. - С.105.
59. Социальная политика и поведения домашних хозяйств на российских рынках. М.:ТЕИС, 2000 й, - С. 10.
60. Ўлмасов. А Оила иқтисоди. Тошкент – “Мехнат” - 1998 й.
61. Фуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Т-2002 й. 94 Б.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

62. Астанов Б. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш - товар бозорини тўлдириш, иш билан бандликни таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасини оширишда асосий йўналишлардан бири. //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. - № 7. - 2003. - 38-40 Б.
63. Азимшоева З.М. Борьба с бедностью как приоритетная задача Всемирного Банка. //Международная конференция студентов, аспирантов и молодых ученых. «Ломоносов - 2004». - 2004. - С. 31.
64. Ахмеджонов Ҳ. Хонадон хўжалиги жамғармаларини инвестициялаш. // Бозор, пул ва кредит. №12. - 2005. - 31-Б.

65. Бабаева Л. Семейное предпринимательство // Человек и труд. - 1993. - N 9.-С.82-83.
66. Байгереев М. Расчет дохода семьи: возможен ли единый порядок? // Человек и труд. - 2001. - N 3. - С. 33-40.
67. Вахобов А. Хонадон молияси хусусиятлари. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. - № 10.-2003. - 14-15 Б.
68. Вахобов А. Хонадон ва давлат молиясининг ўзаро муносабатлари // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. - № 11-12. - 2003. - 54-55 Б.
69. Шодиева Г. Оила хўжалиги даромадлари кўпайишига эришиш.// Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. - № 12. - 2001. - 30-31 Б.
70. Шодиева Г. Оилавий тадбиркорлик ва уни ривожлантириш омиллари. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. - №10. 2003. - 12 Б.
71. Шодиева Г, Пардаев М. Касаначилик - оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда янгича йўналиш.// Бозор, пул ва кредит.- №3.2006. 51Б.
72. Умурзакова Р.А. Ўзбекистонда оила мустахкамлигининг социал омиллари. Социология фанлари номзоди диссертация автореферати// - Тошкент, 2006. - 18-Б.
73. Қулматов А.А. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш муаммолари.//Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган автореферат. - Т. 2004. - 23 - Б.
- 74.Алиқориев О. “Молиявий хизматлар сифатини ошириш масалалари”. “Бозор, пул ва кредит” журнали, № 2, 2014 йил, 32-36 бетлар
- 75.Махрамова О. “Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни ривожлантириш вазифалари”. “Бозор, пул ва кредит” журнали, № 3, 2014 йил, 57-60 бетлар
- 76.Бакаева Ш. “Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим омили”. “Ўзбекистон овози” газетаси // 2012 йил 24 март, № 40 (31.472)

77. Ўзбекистон Республикасининг 2011-2012-2013 йиллардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. –Т.: 2013

78. Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт бош бошқармасининг 2011-2013 йиллардаги иқтисодий кўрсаткичлари ва йиллик ҳисоботлари.

79. Қашқадарё вилояти Статистика бошқармасининг 2011-2013 йиллардаги иқтисодий кўрсаткичлари ва йиллик ҳисоботлари.

VII. Интернет сайтлари

80. <http://www.stat.uz> (Ўзбекистон Республикаси Статистика Вазирлиги)

81. <http://www.mineconomy.cc> (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги)

82. <http://www.worldbank.org>. (Жаҳон банкининг расмий сайти)